

**Наим КАРИМОВ**

# **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ**

Тошкент – 2010

Маҳмудхўжа Беҳбудий ХХ аср бошларида Туркистонда вужудга келган миллий уйғониш ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бири бўлиб, шу даврда ўзбек халқи ижтимоий онгининг уйғонишида муҳим роль ўйнади. У Туркистонда янги усул мактабларининг очилиши, миллий матбуотнинг юзага келишида фаол иштирок этибгина қолмай, биринчи ўзбек драмасини яратиб, профессионал ўзбек театр санъатининг майдонга келишига замин ҳозирлади. У халқ ва жамиятни маърифатлаштириш орқали мустақилликка эришиш ғоясини олға сурган ва шу қутлуғ йўлда ҳалок бўлган улуғ аждодимиздир.

Қўлингиздаги рисола сиз, ҳурматли китобхонга Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти, адабий ва ижтимоий фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятини беради, деб умид қиламиз.

\*\*\*

Устоз Ойбек ўзининг ҳайёмона рубоийларининг бирида: «Донолар ўтдилар – сафари узок, Куёшдай ботдилар – манзили тупроқ», деб ёзган эди.

Бундан ўн йил илгари тугаб, тарих бағрига кирган XX асрда ўзбек халқининг шундай фарзандлари дунёга келиб, халқимиз ва мамлакатимиз тарихида абадул абад қоладиган улуғ ишларни амалга ошириб кетдиларки, гарчанд куёшдай ботиб, она тупроқни ўзларига аллақачон ватан айлаган бўлсалар-да, улар номи ҳеч қачон ўчмайди ва улар ҳамиша миннатдор авлодлар хотирасида абадий яшайдилар. XX асрда Туркистон заминида туғилиб, халқ ва Ватаннинг ҳур келажаги йўлида яшаган донолардан бири, шубҳасиз, Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Турли тарихий-ижтимоий сабабларга кўра, бир замонлар жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган Туркистоннинг XIX аср ўрталарида мустамлакага айланиши ва ҳатто янги ҳаёт шабадалари эса бошлаган XX аср аввалида ҳам мустамлакачилик шароитида яшаши халқнинг илғор ва тараққийпарвар фарзандларида ор-номус учун, ҳақ-хуқуқ учун, эрк ва ҳуррият учун кураш истагини уйғотди. Бу истак М.Бехбудий сингари сиймолар туфайли дастлаб ғояга, сўнгра тарихий заруратга айланди. Аммо бу ғоя ва заруратни амалга ошириш йўли бир-биридан кучли тўсиқлар билан тўсилган эди. Бу тўсиқларнинг энг даҳшатлиси халқ оммасининг парокандалиги, ижтимоий ва ҳуқуқий онгининг тубанлиги эди. Шунинг учун ҳам М.Бехбудий ва унинг сафдошлари ҳуррият учун курашнинг дастлабки ва зарурий босқичи - халқ ва жамиятни маърифат билан “қуроллантириш” йўлини танладилар. Бу, ўз вақтида, “жадидчилик ҳаракати” деб аталди. Кейинчалик тарихчилар унга “миллий уйғониш ҳаракати” деган ном бердилар.

“Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” маъносини англатади. XX

аср бошларида миллий газеталар ва янги усул мактабларининг пайдо бўлиши билан “жадид” сўзи” истеъмолга кира бошлаган. Кимки шу газеталарга обуна бўлиб ёки уларни сотиб олиб ўқиган бўлса, у оддий кишилар кўзига “жадид” бўлиб кўринган. Худди шунингдек, кимки мадраса ва эски мактаб таълимидан замонавийлиги билан, дунёвий фанларнинг устуворлиги билан фарқланувчи янги усул мактабларини очган бўлса, шу киши ҳам жадид бўлиб туюлган. Хуллас, кимки халқ ва жамият ҳаётига янги ҳаёт шабадаларини, янги тарихий давр ғояларини олиб кириш истагида яшаётган бўлса, жадид ҳисобланган. Шу тарзда “жадид мактаби”, “жадид газетаси”, “жадид шоир” сингари тушунчалар юзага келган.

Ҳар қандай янгилик қаршисида катта тўғаноқлар пайдо бўлади. Халқ оммасининг руҳий ва маиший ҳаётида шаклланиб, эскириб ва қотиб қолган одатларни янгилаш мушкул бўлганидек, янги мактабларнинг очилиши ва ўқувчиларнинг бу мактабларга жалб этилиши ҳам осон кечмади. Мутаассиблар жадид муаллимларни “кофир” деб эълон қилдилар. Маҳалла оқсоқоллари ўз фарзандини жадид мактабига берган оталарни оиласи билан маҳалладан кўчириб юбораман, деб дағдаға қилиб, жадид мактабларни ёпа бошладилар. Шундай мураккаб шароитда халқнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онгини ошириш, уни дунёвий билимлардан баҳраманд қилиш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам биз, миллий уйғониш ҳаракати ва адабиётининг тадқиқотчилари, жадидларни халқ ва мамлакатнинг мунаввар келажаги йўлида фаолият олиб борган фидойи кишилар сифатида чин дилдан хурмат қиламиз.

XX аср бошларида мамлакатимизда миллий уйғониш ҳаракатини бошлаб берган фидойи кишилардан бири ва балки биринчиси ушбу рисола қаҳрамони Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Бехбудий вафотининг икки йиллиги муносабати билан “Маориф ва ўқитувчи” журналида эълон қилинган мақоласида Лазиз Азизлда бундай ёзган эди: «Унинг қиммати тарихнинг маълум бир босқичида ва тарихий ривожланишида қилган

хизмати учундир. Бехбудийнинг хизмати францкзларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский, Добролюбовлари, Кафқаз туркларининг Фатҳали Охундов ва Нажафбек Вазировлари, татарларнинг Ш.Маржоний ва Қ.Носирийси ила бирдир. Ўзбек илмий адабиёти ҳам Бехбудий билан бошланиб, янги бир йўлга кира бошлади. Бехбудий энг аввал Туркистоннинг чор ҳукумати қўлидан қутқазилган ғоясини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истиқбол курашига чақирганлардандир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга – маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Бехбудий турганлигини кўрамиз”.

Бехбудий шаънига айтилган бу сўзларда унинг маориф ва маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳам, миллий озодлик курашидаги хизматлари ҳам, умуман, ўзбек халқи тарихида қолдирган излари ҳам аниқ ифодаланган.

### **М.Бехбудий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тарихига бир назар**

Биринчи ўзбек драмаси - “Падаркуш”нинг 1913 йилда сахна юзини кўриши Туркистоннинг маданий ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Томошабинлар оммасини ҳайратга солган бу асарнинг турли шаҳарларда турли ҳаваскорлик труппалари томонидан намойиш этилиши муносабати билан ўша йилиёқ матбуотда қатор хабар ва мақолалар эълон қилинди. Шубҳасиз, бу мақолаларда асар ва унинг муаллифи тўғрисида ҳам айрим фикрлар билдирилди. Аммо М.Бехбудий ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш маърифатпарвар адибнинг дастлаб сирли равишда ғойиб бўлиши, сўнгра фожиали равишда вафот этиши билан бевосита боғлиқ. М.Бехбудий шу вақтга қадар ҳам муфти, ҳам Туркистон жадидларининг отаси сифатида катта эътибор

қозонганлиги сабабли унинг ўлими Туркистонни том маънода ларзага келтирди.

Агар миллий уйғониша ҳаракати даврининг шу мусибатли даврида М.Бехбудий ҳақида эълон қилинган хабар ва мақолаларга хронология талаблари асосида ёндашсак, даставвал Ҳожи Муиннинг “Қадрношунослик” (“Меҳнаткашлар товуши”, 1919 йил 23 апрель) деган кичик мақоласини тилга олиш лозим бўлади. Ушбу мақолада 1919 йилнинг март ойларида М.Бехбудийнинг Мардонқул Шомухаммадзода, Муҳаммадқул Ўринбой ўғли ва турк муаллими Наъим афанди билан бирга (халқнинг сўзига кўра) Москвага ёки бошқа бирор жойга бориш ниятида йўлга чиққани ҳамда Қарши шаҳрида Бек томонидан ҳибсга олиниб, зиндонга ташлангани айтилган. Бехбудий ва ҳамроҳларининг кейинги тақдири шу мақола муаллифига маълум бўлмаганидек, мазкур мақоладан кейин эълон қилинган “Самарқандлик Темурхон афанди келди” мақоласида («Меҳнаткашлар товуши», 1919 йил 20 ноябрь) тилга олинган Темурхон афандига ҳам қоронғи бўлган. Бу мақолада айтилишича, Истанбулда ўқишда бўлган Темурхон афанди ватанига қайтишида Бокуда Бехбудийнинг Бухоро музофотида қамоққа олинганини эшитган. Шу вақтда Бокуда бўлган таниқли маърифатпарвар ва тадбиркор Саидносир Миржалилов “восита топиб”, Бухородан Бехбудийнинг кейинги тақдири тўғрисида маълумот олишга уринган, аммо бирор натижага эришмаган. Орадан қарийб бир йил ўтгач, «Меҳнаткашлар товуши» газетасида (1920 йил 8 апрель) номаълум муаллифнинг “Муфти Маҳмудўжа Бехбудийнинг таржимаи ҳоли” сарлавҳали мақоласи чоп этилади. Мақолада биз Бехбудийнинг ҳаёт йўли, маърифатпарварлик фаолияти, авлодлари ҳақидаги маълумот, шунингдек, сирли сафарига оид тахминлар билан танишамиз.

1922 йилнинг март ойида Бехбудийнинг фожиали ўлими ҳақидаги хабар етиб келиши билан эндиликда “Зарафшон” номи билан чиқа бошлаган Самарқанд газетасининг 25 март сонидида А.Азамат, Аблусалом Азимий, Вадуд Маҳмуд, Садриддин Айний ва

Ҳожи Муиннинг Бехбудий ҳақидаги хотиралари эълон қилинади. Айни пайтда “Туркистон” газетасида (1922 йил 21 декабрь) “Бехбудий мухлисларига очиқ хат”, Вадуд Маҳмуднинг “Бехбудий ва унинг теграсига йиғилган ёзувчилар” (1923 йил 10 декабрь), “Учкун” журналида Ҳожи Муиннинг “Маҳмудхўжа Бехбудий” (1923 йил, 1-сон), “Инқилоб” журналида (1922 йил, 1-сон) Ҳожи Муиннинг “Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва онинг томонидан ёзилган васиятнома”, “Маориф ва ўқитувчи” журналида Лазиз Азиззоданинг “Бехбудий” (1926 йил, 2-сон) мақолалари босилиб чиқади. Бу мақолаларда Бехбудийнинг фожиали ўлими тафсилотлари билан бирга унинг Туркистон халқи олдидаги улкан хизматлари ҳурмат билан ёд этилади. 1926 йилда Бехбудий вафотининг 7 йиллиги Туркистон, Туркия ва Германияда (туркистонлик талабалар томонидан) кенг нишонланади. Аммо шундан кейин Бехбудий номи секин-аста унутила бошлайди. Бехбудий номи билан атала бошлаган Қарши шаҳрига 1934 йилдан бошлаб яна ўз номи қайтариб берилади. 1937 йилнинг бизга таниш воқеалари вақтида эса Бехбудий номи ҳам “миллатчи” ва “халқ душманлари” қаторида қатағон этилади.

Большевиклар партиясининг XX съездида Сталин шахсига сиғинтиришнинг фожиали оқибатлари юзага чиққач, 30-50-йилларда сиёсий қатағонга учраган минглаб бегуноҳ кишилар оқландилар. Аммо Ўзбекистонда бегуноҳ қвтвгон этилган А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари ёзувчиларнинг, шунингдек, М.Бехбудийнинг оқланиб, ўзбек адабиёти ва маданияти тарихидаги қонуний ўрнининг тикланиши фавқулодда даражада қийин кечди. Мудҳиш йилларда шўро давлатининг сиёсий идораларига “халол” хизмат қилган кишилар ўз жиноятларининг фош этилишидан кўрқиб, бу сиймоларнинг оқланишига тинтирноқлари билан қаршилиқ кўрсатдилар. Асосан “қайта қуриш ва ошкоралик” деб номланган даврда адабиётшунос ва тарихчи олимлар М.Бехбудий, Чўлпон, Фитрат сингари “халқ душманлари” ҳаёти ва ижодини ўрганиш имкониятига эришдилар.

Шу даврда М.Бехбудийни ва, умуман, жадид адабиётини ўрганишга бел боғлаган олимларнинг бири ва биринчиси филология фанлари номзоди Солиҳ Қосимовдир. Афсуски, унинг бирламчи манбалар асосида ўрганиб ёзган жадид адабиёти тўғрисидаги тадқиқоти ҳозирга қадар топилмай турибди. Лекин унинг вафотидан кейин Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 1990 йил 10 ва 26 январь сонларида босилган “Бехбудий ва жадидчилик” деган мақоласи Бехбудий ҳаёти ва фаолиятини янги тарихий давр талаблари асосида ўрганиш ишида муҳим воқеа бўлди. Олим бу тадқиқотида Бехбудий ҳаёти, ижодий ва маърифий фаолиятининг энг муҳим нуқталарини факт ва далиллар асосида ёритиб берди. Айни вақтда фан номзодлари Шерали Турдиев, Аҳмад Алиев, Сирожибдин Аҳмад, шунингдек, Нормурод Авазов Бехбудий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишига муҳим ҳисса қўшдилар. Айниқса, филология фанлари доктори Бегали Қосимов ва филология фанлари номзоди Ҳалим Саидов бехбудийшуносликнинг фан тармоғи сифатила шаклланишида карвонбошилиқ қилдилар. Шубҳасиз, филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари номзодлари Иброҳим Ғафуров ва Бойбўта Дўстқораевнинг шу соҳадаги хизматлари ҳвм ҳурмат ва эътиборга сазовор. Бу олимларнинг изланишлари туфайли сўнгги ўн беш-йигирма йил ичида Бехбудий ҳақида шу қадар кўп ва ҳўб рисола ва мақолалар майдонга келдики, уларнинг ҳар бирига муносабат билдириш мавзудан узоқланиш бўлурди.

Юқорида баён қилинган фикрлар ушбу рисоланинг майдонга келишида шу ҳурматли олимларнинг илмий изланишлари мўътабар манба бўлиб хизмат қилганки, буни уларга ҳурмат ва миннатдорлик билан айтиш каминанинг шарафли бурчидир.

### **Бехбудий қачон туғилган?**

Ўтган асрнинг 10-йилларидан то шу кунга қадар

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг “Падаркуш” асари тўғрисида нафақат ўнлаб газета ва журнал мақолалари, балки ўқув дарслик ва қўлланмалари ҳам нашр этилган. Афсуски, Бехбудий фожиали равишда вафот этганлиги сабабли ўзи ҳақида илмий-биографик аҳамиятга молик бирор мақола ёзиб қолдирмаган. Шунинг учун ҳам Бехбудийга бағишланган аксар мақола ва хотираларда адиб ҳаётининг айрим саналари турлича қайд этилиб келади.

Ҳожи Муиннинг юқорида тилга олганимиз “Маҳмудхўжа Бехбудий” (1923) деган мақоласида сарлавҳадан кейин қавс ичида 1874-1919 саналари берилган. Бехбудий вафотининг 3 йиллиги муносабати билан рус тилида чоп этилган “Известия ТурЦИК” ва бошқа газеталарда унинг туғилган санаси 1873 йил, деб кўрсатилган. Адибнинг қизи Парвин Бехбудий ҳам 1970 йил 17 октябрда Солиҳ Қосимов билан қилган суҳбатида отасининг 1873 йилда Самарқанд шаҳрининг Ёмини қишлоғида қори оиласида туғилганини айтган. 60-йиллардан кейин нашр этилган аксар мақола, рисола ва монографияларда адибнинг туғилган санаси 1875 йил, деб қайд этилиб келади.

Шундай қилиб, Бехбудий ҳаёти ва адабий фаолияти билан шуғулланган адабиётшуносларнинг бир қисми унинг 1874 йилда, иккинчи қисми эса 1875 йилда дунёга келган, деб ҳисоблайдилар. Шу нарса ғаройибки, адибнинг таваллуд санасини белгилашда адабиётшуносларнинг ҳар икки гуруҳи ҳам Ҳожи Муиннинг қуйидаги сўзларига асосланадилар: “1868 йилда, - деб ёзган эди у, - руслар Самарқандни забт этгач, Маҳмудхўжанинг отаси Бехбудхўжа ўзининг оиласини олиб, Самарқанд уязининг Сиёб бўлусидаги Бахшитепа қишлоғига кўчуб чиққан ва шунда 7 йил чамаси имом ва хатиб бўлғон. Бехбудий афанди шул қишлоқда 1291 ҳижрий йилда 10-зулҳижжа ойида (1874, март) оқшом дунёга келган”. Агар адабиётшуносларнинг бир гуруҳи учун Ҳожи Муиннинг “1874, март” деган сўзлари муҳим бўлиб кўринган бўлса, иккинчи гуруҳи “1291 ҳижрий йил 10-зулҳижжа ойи”ни милодий йил ҳисобига кўчириш йўли билан Бехбудийнинг 1875 йил 19 январда туғилганини, Ҳожи Муиннинг эса ҳижрий йил



ҳисобини милодий йил ҳисобига кўчиришда адашганини аниқлаганлар.

Юқорида кўрганимиздек, Бехбудийнинг туғилган манзили тўғрисида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Агар Ҳожи Муин ва унинг издошлари Бехбудийнинг Бахшитепа қишлоғида туғилганини тасдиқлаган бўлсалар, Парвин Бехбудий ва яна баъзи бир адабиётшунослар Ёмини қишлоғини Бехбудийнинг киндик қони тўкилган жой сифатида тилга олиб келганлар.

Аmmo бугун аниқ айтишимиз мумкинки, Туркистондаги миллий уйғониш даврининг оташин жарчиси Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йил 19 январда Самарқанд вилоятининг Бахшитепа қишлоғида дунёга келган.

### **Ота-бобоси ва ёшлик йиллари**

Бехбудийшунос олимларнинг рисола ва мақолаларидаги адиб ҳаётига оид қарийб барча маълумотлар Ҳожи Муиннинг устози ҳақидаги мақолаларидан олинган. Атоқли драматург ва журналист Ҳожи Муин (1883-1942) Бехбудийнинг содиқ шогирдлари ва сафдошларидан бири бўлиб, унинг “Меҳнаткашлар товуши” ва “Зарафшон” газеталари ҳамда “Учқун” журналида чоп этилган мақолалари бехбудийшунослар учун энг ишончли ва мўътабар манбадир. Шунинг учун ҳам куйида Бехбудийнинг насл-насаби билан Ҳожи Муин берган маълумот орқали танишишни айни муддао, деб биламиз.

“Маҳмудхўжа бин Бехбудхўжа бин Солиххўжа бин Ниёзхўжа, - деб ёзади Ҳожи Муин, - Бехбудийнинг юқори боболари. Насаб жиҳатидан Хўжа Аҳмад Яссавийга бориб етади”<sup>1</sup>.

Бу сўзларда тилга олинган Солиххўжа билан Ниёзхўжа Бехбудийнинг боболари бўлиб, Ҳожи Муин уларнинг Аҳмад Яссавийга қариндошлик ришталари билан боғланганини алоҳида

---

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова. - Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 19.

таъкидлайдики, унинг бу маълумотни Бехбудийнинг ўзидан эшитганлиги шубҳа уйғотмайди.

“Бехбудийнинг 2-бобоси Ниёзхўжа, - деб давом этади у, - ўзи модарзод кўр (сўқир) бўлуб, ёшлигидан Қуръонни ёдлаб, қори (ҳофизи Қуръон) бўлди. Бу зот Урганждан бўлуб, тақрибан бир аср илгари Самарқандга келиб, шунда ўринлашиб қолди. Шунинг учун бу киши Самарқандда халқ орасида Қори Ниёзхўжа Урганжий исми билан шуҳрат чиқарди. Бу кишининг Самарқандга қайси равишда келганлиги тўғрисида бу кунги болалари орасида ушбу йўсунда ривоят бор.

12-асри ҳижрий ўрталарида Туркистон ўлкасидаги амир ва хонларнинг ўзаро қилишғон урушлари натижасида Самарқанд шаҳри хароб бўлуб, халқи ҳар томонга тарқалишиб кетган. Амир Шоҳмурод Самарқандни қайтадан обод этарга киришган. Самарқанд музофотидан ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларидан анча одамларни ва бир неча муллаларни (оилалари билан) келтуруб шаҳарга ўрунлаштирғон. Булардан шаҳарда айрим гузар (маҳалла) лар ташкил этдурган. Шул чоғларда Урганжнинг машхур қориларидан саналғон Ниёзхўжани Самарқандга келтуруб, янгидан қорилар етиштириш ҳаракатида бўлғон.

Ниёзхўжадан Солиххўжа отли бир ўғил қолди. Бу киши ҳам қори бўлуб, улуми арабия ва диниядан хабардор эди. Ўзи қорилик ва имоматчилик билан тирикчилик этиб, руслар Самарқандни олмасдан бурун ўлди. Бул зотдан Бехбудхўжа отлиғ бир ўғул, Ҳуринисо ва Нажиманисо исмларида икки қиз қолди. Солиххўжа ўзининг ўғли билан қизи Ҳуринисони ўзи ўқутди. Хат ва савод чиқорғонларидан сўнг аларга Қуръон ёдлатиб, қори қилдурди. Ҳатто қизи Ҳуринисога бир миқдор арабий ва диний билимлар ўргатди. Қуръони каримни бутун ёдлағондан кейин Ҳуринисога “қори бегим” лақаби берилиб, ўзининг қариндошлари ичида ҳам халқ орасида шул лақаб билан шуҳрат чиқарди. Отаси ўлгандан сўнг Ҳуринисо унинг бир неча шогирдларини Қуръонни тамом ёдлағонларигача ўқутуб юрди. Унинг учун ўшал замондаги амир ҳукумати томонидан ўн йилда 96 пуд ғалла вазифа берилиб

турди. Бехбудхўжа ҳам ушбу синглиси хузурида қориликни такмил этди. Бу хотун 1921 йилда 98 ёшида вафот этди”<sup>2</sup>.

Ҳожи Муиннинг бу сўзларидан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Самарқанддаги маърифатпарвар сулолалардан бирига мансуб бўлгани маълум бўлади. Яна Ҳожи Муиннинг сўзларидан шу нарса аён бўладики, Бехбудийнинг бобоси Ниёзхўжа Урганжий Самарқандга XVIII аср ўрталарида кўчиб келган ва шу вақтда амир ва хонлар ўртасидаги ўзаро курашлар натижасида Амир Темур ва Теурийлар даврида гуллаб яшнаган шаҳар хароб бўлиб, халқнинг ўқимишли кишилари она-юртларини ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Бинобарин, Бехбудийнинг бобоси билан бир даврда Самарқандга кўчиб келган қорилар зиммасига маҳаллий ёшларни “улуми арабия ва диния”дан хабардор этиш вазифаси тушган. (Бинобарин, Маҳмудхўжа Бехбудий XX аср бошларида Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатига тамал тошини қўйиш билан ота-боболари бошлаган маърифатпарварлик ишларини янги тарихий давр шароитида давом эттирган.)

Ҳожи Муиннинг маълумот беришича, 1868 йилда рус қўшини Самарқандга бостириб киргач, Бехбудхўжа оиласи билан Самарқанд уездининг Сияҳи об волостидаги Бахшитева қишлоғига кўчиб ўтади ҳамда шу ерда тахминан етти йил давомида имом ва хатиблик лавозимини адо этади. Маҳмудхўжа 1875 йил 19 январь куни шу ерда дунёга келади.

Шу вақтда руслар Самарқанд ва атроф қишлоқларда ўқтин-ўқтин кўтарилиб турган қўзғолонларни бостириб, шаҳарда нисбатан тинч ҳаётни ўрнатишга муваффақ бўлган эдилар. Шунинг учун Бехбудхўжа 1875 йили яна шаҳарга кўчиб бориб, оиласи билан Фоний маҳалласида истиқомат қилади. Унинг асл исми Султонхўжа бўлиб, Бехбудхўжа лақаби бўлган. “Яхшилик” ва “соғломлик”, “фойда” ва “нажот” маъноларини англатувчи “бехбуд” сўзи бора-бора исмга айланган.

Қорилик ва имом-хатиблик орқасида каттагина давлат

---

<sup>2</sup> Ўша асар. - Б. 19-20.

орттирган Бехбудхўжанинг беш хотини бўлиб, Маҳмудхўжа унинг иккинчи хотинидан туғилган.

Бехбудий 6-7 ёшлик чоғида катта тоғаси Муҳаммад Сиддиқ қўлида хат ва савод чиқаради. Шундан сўнг отаси Бехбудхўжа ўғлини қориликка тайёрлаш мақсадида Куръонни оз-оздан ўргатиб ёд олдиради. Маҳмудхўжа уч-тўрт йил ичида Куръонни тўла ёд олиб, рамазон кечаларида хатм қилади.

“Бехбудий афанди, - деб ёзади Ҳожи Муин, - ёлғуз қорилиқ билан қаноатланмай, ўзининг тоғаси муфти мулла Одил ҳузурда дарс ўқурга киришди. Арабий сарф, наҳвдан “Қофия” ва “Шарҳи мулло”ни, “Шамсия”ни, фикҳдан “Мухтасар ул-виқоя”нинг биринчи дафтари ва бир оз “Ҳошия”ни мазкур зотнинг ҳалқаи тадрисида ўқуди. Ҳисоб илмини ҳам (масоҳат<sup>1</sup>гача) шул кишидан ўрганди...

Бехбудий афанди дарс жамоасининг қориси эди. Тоғаси ҳам устози муфти мулла Одилнинг сўзига кўра, Бехбудий афанди ёшлиқ чоғида ўткур зеҳнлик ва ўқушга жуда ҳаваслиқ бўлғон. Устозининг бир қатла ўргатиши билан сабоқини ўрганар экан. Ўзи ҳалим, адаблик, оз сўзлик ва ўйун-кулгуни севмайтурғон бўлғон”<sup>2</sup>.

Бехбудийнинг онаси 1893 йилда, отаси эса 1894 йилда вафот этади. Маҳмудхўжа отаси вафотидан кейин ўқишни ташлаб, мустақил турмуш тебратишни ихтиёр қилади ва тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ҳузурда мирзолик вазифасини бажаради. У икки йиллик хизмати давомида козилик ишлари билан танишиб, муфтилик учун зарур бўлган нарсаларни ўрганиб олади. Тоғаси қозилик лавозимидан бўшагач, Кобуд волости қозиси мулла Забир ҳузурига бориб, мирзолик вазифасини бажаришда давом этади. Аммо орадан икки ой ўтмай, муфтиликка ўтади ва 1916 йилга қадар шу ерда хизмат қилади.

Бехбудий шу вақтда оиласи билан шаҳарда истиқомат қилганига қарамай, ҳафтада бир неча маротаба мазкур

---

<sup>1</sup> *Масоҳат* – ер ўлчови.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 21.

қозихонага бориб турган ва шу ердан бир неча таноб ер олиб, деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

## Муфтилик фаолияти

Маҳмудхўжа Бехбудий номини тилга олганларида замондошлар унинг исм-шарифи олдига, албатта, “муфти” унвонини қўшиб айтганлар. Орадан қанча даврлар ўтган бўлмасин, шу анъана ҳозирги қадар давом этиб келади ва адабиётшунослар адиб номини ҳурмат юзасидан бугун ҳам “муфти Маҳмудхўжа Бехбудий” деб тилга оладилар.

Бизга замондош олимлар орасида Бехбудийнинг муфтилик фаолиятини биринчи бўлиб ёритган адабиётшунос Солиҳ Қосимовдир. У “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 1990 йил 19 январь сонида чоп этилган “Бехбудий ва жадидчилик” номли мақоласида шу мавзунини ёритишдан аввал бундай сўзларни ёзган: “Собиқ Туркистоннинг ҳар бир кент ва даҳасида қозихоналарнинг, уларда хизмат қилган қози ва муфтиларнинг сон-саногини бўлмаган. Бироқ Бехбудийдек баркамол шахс – фақат диний билимларгина эмас, шу билан бирга замонавий илмларнинг зўр билимдони, халқни маърифатли қилиш учун кураш йўлида ўз моддий бойликларини, ҳатто жонини аямаган шахснинг мисли ниҳоятда сийрақдир, ҳатто яктодир. Фўйзулла Хўжаевнинг сўзлари билан айтганда, “Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг киладиган киши бўлмаса керак”.

Кези келганда шуни айтиш жоиз ва ҳатто лозимки, Солиҳ Қосимов жадидчилик мавзуини билан қизиққан 60-йилларда Самарқанд ва Душанбеда, кексайган бўлишларига қарамай, Бехбудийни кўрган ва билган кишилар озми-кўпми бўлган. Солиҳ Қосимов ана шу имкониятдан фойдаланиб, улар билан учрашган ва уларнинг адиб ҳақидаги хотираларини ёзиб олган. Афсуски,

олим вафотидан кейин унинг Туркистон жадидчилигига бағишланган китоби қўлёзмаси ҳам, Бехбудий замондошларидан ёзиб олинган аксар хотираларининг матни ҳам изсиз йўқолган.

С.Қосимов ёзиб олган ва бизгача етиб келган хотиралардан бири адибнинг қизи Парвин Бехбудийга мансуб бўлиб, у отасининг муфтилик фаолияти тўғрисида бундай сўзларни айтган:

“Маҳмудхўжа ўқишнинг бошлавнғич давридан (Ҳафтияк ва Чор китоб) ўтгач, қорилар мактабига ўқишга киради. Хотираси яхши бўлганлиги боис Қуръонни икки йил ичида ёд олади ва қорилик дипломига эга бўлади. Шундан кейин Маҳмудхўжа доимий равишда бўлмаса-да, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларига қатнаб туради. У бутун умри давомида китобдан узоқлашгани йўқ.

Қорилар мактабини тугатгач, у қишлоқ жойларидаги қози ва муфтиларга мирзалик вазифасида ишлади. Чамаси, бу даврда фикҳ китоблари устида тинимсиз ишлагани боис у тез фурсатда “муфти” унвонига эришди. Маҳмудхўжа умрининг охиригача Жомбойда муфтилик қилди. Одатда шанба кунлари ҳафтада бир марта Жомбойга бориб, қозилар билан биргаликда баҳсли мунозараларни ечардилар”<sup>1</sup>.

Ушбу хотира ёзиб олинган вақтда хотиранавис кексайиб қолганлиги туфайлими “қорилик мактаби”, “қорилик дипломи” сингари сўзларни айтганки, сиз, ҳурматли китобхонлар, бундай мактаб ва дипломларнинг бўлмаганидан хабардор бўлсангиз керак.

Маълумки, Бехбудий 1918 йилнинг май ойида Самарқанд Мусулмон ишчилар шўросида вилоят маориф комиссари лавозимида хизмат қилган. С.Қосимов юқорида тилга олинган мақоласида Бехбудийнинг шу лавозимда хизмат қилган вақтида ҳам муфтилик вазифасини бажарганини айтиб, бундай ҳақ гапни ёзган: “...замонасидаги фақиҳлар – диний билим

---

<sup>1</sup> Парвин Бехбудий хотираси куйидаги манбада эълон қилинган: *Ҳалим Саидов. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: Шарқ, 2000. - Б. 149-*

билимдонларидан ҳеч бири фикҳ илмининг кенглиги жиҳатидан Бехбудийга тенг келолмас эди. Бироқ Бехбудийнинг айрим реакцион руҳонийлардан фарқи ва афзаллиги шунда эдики, у ҳеч қачон фикҳнинг бирор қоидаси ёки йўл-йўриғи халқ манфаатлари ва ижтимоий тараққиётга зарар келтирадиган тарзда талқин қилмаган. Аксинча, оят ва ҳадисларга таянган ҳолда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этган, илм-маърифатга чорлаган европаликлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга чорловчи фатволар берган. Ҳожимурод Худойбердиев<sup>1</sup>нинг ҳикоя қилишичи, Бехбудий иқтисодий низоларда деярли ҳамма вақт йўқсил манфаатини ҳимоя қилган, ғорат ва хунрезлик бўлмаган ғавғоларнинг деярли ҳаммасини камбағаллар фойдасига ҳал қилинишига эришган”<sup>2</sup>.

Бехбудий муфтилик лавозимини қачондан бошлаб бажара бошлаган? Муфтининг қозидан қандай фарқи бор? Умуман, “муфти” атамаси нимани англатади? Бу саволларнинг биринчисига жавоб бериш учун яна Ҳожи Муинга мурожаат этайлик. У Бехбудийга бағишланган бошқа бир мақоласида шу ҳақда бундай ёзган: «...Бехбудий афанди Кобуд бўлусининг қозиси мулла Зубайрнинг қозихонасига мирзоликка кириб, бунда 1-2 ой ўтмай, муфтиликка ўтди. Неча йиллар **шунда** (таъкид бизники – *Н.К.*) муфтилик билан кун кечирди”<sup>3</sup>.

“Муфти” арабча сўз бўлиб, фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи маъноларини англатади. “Муфти, - деб ёзилган “Ислом эгциклопедияси”да, - диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиб бериш, шариатни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади”<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Қарши шаҳрида қизил гвардиячилар тўдасига қўмондонлик қилган самарқандлик йигит. У билан ушбу рисоланинг сўнги фасларида яна учрашамиз.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, 1990 йил 19 январь.

<sup>3</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Б. 25.

<sup>4</sup> Ислом энциклопедияси, - Тошкент, 2004. – Б. 171.

Сир эмас, ХХ асрнинг 20-йилларигача муфтининг фатво тарзида ифодаланган “фикр ва қарорлари”, “Ислом энциклопедияси”да ёзилганидек, мусулмонлар учун қўлланма эмас, балки буйруқ ҳисобланган. Бехбудий шундай катта ҳуқуқларга эга бўлган шариат билимдони эди.

Самарқандлик журналист Нусрат Раҳмат узоқ йиллардан бери Бехбудий ҳаётини, шу жумладан, унинг муфтилик фаолиятини ўрганиб келади. У “Ёзувчи” газетасининг 2000 йил 6 май сонидagi “Муфти” сарлавҳали мақоласида, чамаси, адибнинг набираси Мидҳат Бехбудийнинг хотираларига таянган ҳолда бундай сўзларни ёзган:

“Маҳмудхўжа Бехбудий узоқ йиллар Жомбойда муфтилик қилган. Набиралари берган маълумотга қараганда, у кишининг Ёмини маҳалласидаги ҳовлисида бир нечта от, фййтун, хизматкорлар бўлган. Ҳафтанинг шанба ва чоршанда кунлари икки кишилик фййтунга оқ от қўшиб муфтилик вазифасини ижро этишга йўл олган...

У пайтларда, яъни асримиз бошида Жомбой туманига Булунғур, Ғаллаорол, Бахмал туманларининг катта қисми тобе бўлган. Чунки, шанба ва чоршанба кунлари ўша қишлоқлардан ҳам талай кишилар келиб, муфти жанобларини кутиб ўтиришаркан.

Бехбудий бу ерда иш бошлаганида қозихона йўқлиги сабабли қози Абдумажид Юнус ўғли фуқароларнинг ишини асосан уйида кўраркан. Янги муфти (яъни Бехбудий – *Н.К.*) анча саъай-ҳаракатлар билан бу юмушни масжидга кўчирган экан.

Маҳмудхўжа Бехбудий у ёки бу масалада фатволар бериш билан бирга қозилик ҳужжатларини кўздан кечираркан, вақф, меросга оид масалаларни адолатли ҳал қиларкан”.

Нусрат Раҳматнинг “Бехбудий муфти либосида” деб номланган мақоласида олға сурилган фикрга кўра, гўё муфтиларнинг, масалан, қозилардан фарқли ўлароқ, махсус либоси бўлган. У Бехбудийнинг, назаримизда, муфтиликка бирор алоқаси бўлмаган либосдаги суратини эълон қилиб, қуйидаги



сўзларни ёзган: “Туркистон жадидларининг отаси, ўзбек драматургияси ва публицистикасининг асосчиси бу суратни ўлимидан бир йил аввал – 1918 йили олдирган. Мутахассисларнинг изоҳ беришларича, у кишининг белидаги кумуш камар муфтилик нишонасидир”<sup>1</sup>.

Нусрат Раҳматнинг бошқа бир мақоласида муфти Бехбудий қиёфасини очувчи ғаройиб бир воқеа нақл қилинган. Унинг замондошларидан эшитишига қараганда, Жомбойда бир от ўғриси бўлган экан. У Бахмал тоғларидан ошиб ўтиб, Панжикент қишлоқларидан от ўғирлаб келар ва ўғирланган отларни Самарқанд бозорига олиб бориб сотар экан. Аммо у ўзи истиқомат қилаётган жойда бундай жиноий ишларни зинҳор-базинҳор қилмас экан. Кунларнинг бирида у ўғирлаб келаётган от нобоп чиқиб, “юр” деганда юрмай, ўғрининг жонини ҳалқумига келтирибди. Шу пайт у бир чорбоғда оппоқ отнинг боғлаб қўйилганини кўриб қолибди. Бояги қирчанғини унинг ўрнига боғлаб, оппоқ отни миниб кетибди-да, Самарқанд яқинидаги Тагитепа қишлоқлик танишининг уйида қолдирибди. Аммо жиноят фош бўлиб, узоқ суриштиришлардан сўнг, қози ўғрининг қўлини кесиш ҳақида ҳукм чиқарибди. Аммо Бехбудий Жомбойнинг муфтиси сифатида қозининг шундай даҳшатли ҳукм чиқарганига эътироз билдирибди.

- Эҳтимол, хабарингиз йўқдир. Яқинда бу жазо бекор қилинди, - дебди у қозига ётиғи билан.

Ҳукмнинг бекор қилиниши ўз обрўсига соя ташлаши мумкинлигини сезган қози Қуръоннинг “Моида” сурасининг 38-оятини очиб, ўқиб беради. Бу оятда эса: «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Оллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар», деган сўзлар ёзилган экан.

- Буни бекор қилиш мумкинми? – деб сўрайди қози.

Бехбудий агар ўғрининг қўллари кесилса, биринчидан, унинг маҳалла-қўйдаги, қариндош-уруғлари ўртасидаги обрўси

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2002 йил 30 август.

йўқолибгина қолмай, уларнинг ғазаб ва нафратига дучор бўлиши, иккинчидан, унинг меҳнат билан шуғулланиш имконига эга бўлмаслиги, ҳатто ўз-ўзига хизмат қила олмаслиги ва оиласи аъзоларига тирик товон бўлиб қолиши мумкинлигини эътиборга олиб, жазонинг енгилроқ бўлишини истади ва қозига Қуръоннинг “Нисо” сурасидаги 90-оятни кўрсатиб, дейди: “Оллоҳ афв этгувчи, махфират қилгувчи бўлган зотдир”.

Қози Беҳбудийнинг бу сўзларидан кейин ҳукмнинг бекор қилинишига рози бўлади.

Бу воқеа Беҳбудийнинг муфтилик фаолияти давомида бевабечораларгина эмас, балки шароит тақозоси билан жиноят йўлига кириб қолган кишиларга ҳам раҳм-шафқат ва мурувват кўрсатганидан, инсонпарвар муфти сифатида иш юритганидан шаҳодат беради.

Бошқа шаҳарларда бўлганидек, Самарқандда ҳам аҳли уламо янги усул мактабларининг очилишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. 1914 йил 3 январь куни Улуғбек мадрасасида юз берган ҳодиса даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шу куни жоме масжидида ўқилган жума намозидан сўнг муаззин беш-олти минг мусулмон ҳузурида нутқ сўзлаб, усули жаид ва рус-тузем мактабларида ўқишни тарғиб қилаётган кишиларни кофир, деб эълон қилади. Муаззин бундай ғайришаръий ҳукми эълон қилиш билангина кифояланмай, фарзандларини жаид мактабларига ўқишга берган оталар ҳам куфр йўлига кирганлари сабабли уларнинг хотинлари талоқ бўлишини жамоага маълум қилади. Аҳли уламонинг буйруғи сифатида эълон қилинган бу хабар бутун Туркистонга тарқалиб, жаидлар ҳаёти ва жаид мактаблари тақдири катта хавф остида қолади. Шундай қалтис вазиятда жаидларни Қуръон суралари ва шариат қонун-қоидалари берган имкониятдан келиб чиқиб ҳимоя қилиш лозим эди. Ўз олдида фавқулодда масъулиятли вазифа турганини сезган муфти Маҳмудхўда Беҳбудий масалани ниҳоятда вазминлик ва маҳорат билан ҳал қилади. Муаззин ва унинг орқасида турган кишилар мустамлакачилар маъмуриятининг Самарқанд

вилоятидаги маҳкамасига чақирилади. Вазиятнинг ўзлари учун хатарли бўлганини яхши тушунган муаззин ва унинг ҳаммаслаклари, мусулмонлар жамоасига ҳеч қандай даъват билан мурожаат этмаган кишилардек, қилган ишлари-ю айтган сўзларидан тонадилар.

Шу ерда Ҳожи Муиннинг Бехбудий инсоний сажиясини англашимизга ёрдам берадиган қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Бехбудий афанди, - деб ёзади у, - шахсий душманликни хоҳламас ва ҳеч кимнинг шахсига ва шахсий ишларига тил еткузмас эди. Ўшандоқ ўзини тақфир ва таҳқир этатурғон хасбм (рақиб) лариға-да қарши ёмон ва ҳақоратомуз сўзлар сўзламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда: "Зотан, мундан дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзлар-да кутмак абасдур", - деб кулар эди... Бехбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, хасм ва душманлари анинг кетиндан ҳар қанча ҳақорат этсалар-да, анинг ҳузурига ўтурғонда ҳеч бир беҳуда сўз айта олмасдан, анга тамлиқ ва мадора этарға мажбур бўлалар эди"<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳодисада ҳам худди шундай ҳол содир бўлди. Рақиблар Бехбудий ҳузурида на жадиждларнинг ва на унинг ўзининг шаънига бирор нолайиқ сўзни айтишга журъат этмадилар.

Мутаассиб кимсалар танобини тортиб қўйиш учун Бехбудийда обрў ҳам, билим ҳам, ирода ҳам етарли эди.

## Ҳаж сафари

Ўрта Осиёда ислом дини ҳукмрон мафкура ўлароқ шаклланган вақтдан бошлаб ватандошларимиз ҳаж сафарига бориб, мусулмон оламининг муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб келадилар. Кўпинча бу сафарлар фақат диний эътиқод белгиси сифатида идрок этилиб келган. Аммо бундай сафарлар

---

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Б. 30-31.

ватандошларимизнинг мусулмон фарзанди сифатидаги бурчларини бажаришга имкон берибгина эқолмай, улар дунёқарашининг кенгайишига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Бехбудий муфти лавозимида хизмат қилар экан, XX асрнинг сўнгги йилларида мусулмон оламининг муқаддас масканларини зиёрат этишни ихтиёр қилиб қолади. Ҳожи Муин Бехбудийда бундай истакнинг пайдо бўлиш сабабларини изоҳлаб, ёзган: “Бехбудий афанди 3-4 ёшдаги биринчи (тўнғич) ўғли ўлгани учун жуда хафаланиб, бир ёқдан, қайғусини таскин этмак, иккинчи ёқдан, адои ҳаж қилмоқ мақсади билан 1317 (1899) йилда ўзининг дўсти бухоролик Ҳожи Бақо билан сафарга чиқди”<sup>2</sup>. Бехбудийнинг ўзи эса “Ойна” журналининг 1914 йил 31-сонида чоп этилган “Қасди сафар” деган мақоласида ушбу сафар тўғрисида бундай маълумотни берган: “1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоҳга Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ва Коҳира воситаси-да бориб эдим, муддати сафарим саккиз ойдан зиёда сўзуб эди”<sup>3</sup>.

Бехбудийнинг бу эътирофидан маълум бўлишича, у биринчи хорижий сафарига 1317 йилда эмас, балки 1318 йилда борган.

Адиб “Ойна” журналининг ўша йилги 34-сонида босилган иккинчи сафари хотираларида эса қуйидаги маълумотни берган: “29 май 1914 сана 17 ражаб ул-муражжаб 1332 санаи ҳижрия, панжшанба куни, кеч соат 7, қатор (поезд) имиз маҳбуб ватаним Самарқанддан ҳаракат этди. Ўғлум Масъудхўжа манглайдан шафқат бўсаси олиб айрилдук. Оҳ, видои оила, ватандан чиқмоқ нақадар мушкул! Бу мушкулотдан қутулмоқ учун инсонни ўлуб ва андан чиқмоғи келур»<sup>1</sup>.

Бехбудий саккиз ой давом этган биринчи хорижий сафари вақтида Туркия ва Мисрнинг кўпгина машхур шаҳарларида бўлиб, шу шаҳарлар ва уларда истиқомат қилган аҳолининг

---

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 22.

<sup>3</sup> *Бехбудий Маҳмудхўжа*. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 54.

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 56.

ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишади. Ўз навбатида, мазкур сафар Бехбудий шуури ва дунёқарашига янги давр ғояларининг шиддат билан кириб келишида муҳим омил бўлади.

Афсуски, Бехбудийнинг мақоланавислик фаолияти 1905 йилдан кейин бошланган ва у мазкур сафари тўғрисида бирор мақола ёзиб қолдирмаган. Аммо шунга қарамай, биз унинг маърифатпарварлик фаолияти худди шу сафардан кейин бошланганини яхши биламиз. Бу ҳол илк ҳорижий сафарнинг Бехбудий ҳаётини бутунлай янги ўзанга буриб юборганидан далолат беради.

### **Маърифатпарварлик фаолияти**

Туркистонда янги усул ёки жаид мактабларининг вужудга келиши XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, таълим тизимини ислоҳ этиш ғояси Туркистонга Қрим, Қозон ва Озарбайжонга қараганда ўн беш-йигирма йил кейин етиб келган. Бунинг асосий сабаби Туркистон генерал-губернаторлигининг маҳаллий аҳолини маърифатдан онгли равишда четда ушлаб туришга қаратилган сиёсати эди. Маърифатли халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун, мустамлакачилик зулмидан қутулиш ва миллий озодлик учун кураш бошлаши мумкинлиги Чор Россияси ва унинг Туркистондаги маъмуриятини доим огоҳ бўлиб туришга мажбур этди. Генерал-губернаторликнинг махфий хизмати – чор оҳангаси ходимлари маҳаллий зиёлиларнинг таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ҳар бир қадамини қаттиқ назорат остига олдилар. Ҳатто XIX аср охирида янги усул мактаблари очила бошлагач, Туркистон ўқув округи бўйича махсус комиссия тузилди. Мазкур комиссия ўз қарори билан янги усул мактабларининг рухсатсиз тузилишига қатъий чек қўйди. Қарорда, жумладан, бундай моддалар бор эди:

1. Маҳаллий мактаблар чор маъмуриятининг махсус рухсатномаси билан очилади.

2. Маҳаллий мактаблар очиш ва унда ўқитиш сиёсий жиҳатдан тўла ишончли бўлган Россия фуқароларигагина рухсат этилади.

3. Маҳаллий мактабларда фақат Россия цензураси рухсати билан чоп этилган китобларгина ўқитилади.

4. Махсус рухсатсиз мактаб очган шахслар мактаб очиш ва ўқитувчилик қилиш ишидан бир умрга маҳрум этилади...

Янги мактаблар олдига бундай тўсиқлар қўйилганига қарамай, халқнинг фидойи фарзандлари, шу жумладан, Бехбудий ўтган аср бошларида "усули савтия" (товуш методига асосланган) мактабларни очиш ишига бел боғладилар. Самарқандда очилган дастлабки "усули савтия" мактабларидан бири 1903 йили Жомбой туманининг Ражабамин қишлоғида, атоқли маърифатпарвар Абдуқодир Шакурийнинг ҳовлисида очилган. Бу мактабнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишига Бехбудий ўз ҳиссасини қўшди. Аммо мактаб ўқувчилари орасида шаҳардан қатновчилар оз бўлмаганлиги ва уларнинг Ражабамин қишлоғига қатнашлари қийин бўлгани боис Бехбудий уни ўз ҳовлисига кўчирди. Шу йилларда у мазкур мактаб ўқувчилари учун "Мунтахаби жуғрофияи умумий" ("Қисқача умумий география"), "Мадҳали жуғрофияи умроний" ("Аҳоли географиясига кириш"), "Мухтасари жуғрофияи Русий" ("Русиянинг қисқача географияси"), "Китобат ул-атфол" ("Болалар китоби"), "Мухтасари тарихи ислом" ("Ислонинг қисқача китоби") сингари дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратди. Бу тилга олинган асарларнинг ўзиёқ Бехбудийнинг ўқувчиларга ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган маърифатпарвар бўлганидан далолат беради.

Бехбудийнинг "Маънавият" нашриёти томонидан чоп этилган "Танланган асарлари" (1999) бизда мазкур ўқув дарслик ва қўлланмаларининг иккитаси тўғрисида муайян тасаввур уйғотади. Булардан бири "Китоб ул-атфол" бўлиб, Бехбудий

Ўқувчилар қадим мактабларда тўрт-беш йил сабоқ олганларига қарамай, хат ёзиш малакасини ўрганиб чиқа олмаганлари сабабли унда хат ёзиш шартлари ва хат ёзиш маҳорати тўғрисида тасаввур бериб, хат турларига мисоллар келтиради. “Мунтахаби жуғрофияи умумий” китобидан олинган парчаларда эса “жуғрофия” сўзининг маъноси, география фанининг қачон пайдо бўлгани, бу фанни ўрганишнинг аҳамияти, шунингдек, ер юзидаги мамлакатлар тўғрисида маълумот берилган. Бундан ташқари, мазкур дарслиқдан “Эски ва янги донишмандлар”, “Туркистон донишмандлари” деган фасллар ҳам ўрин олган. Муаллиф, масалан, сўнгги фаслларда жаҳон ва Туркистон олимларининг ер юзининг пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашларини келтирган ҳамда харита, глобус сингари жуғрофий буюм ва атамалар тўғрисида тушунчалар берган. Ўз даврида катта илмий-маърифий аҳамиятга эга бўлган бу китоблар Самарқанд шаҳридаги бошқа мактабларда ҳам дарслик ва ўқув қўлланмалари сифатида узоқ йиллар мобайнида хизмат қилиб келган.

Бехбудий “Самарқанд усули жаид мактабининг имтиҳони хусусида” деган мақоласида бу дарслик ва ўқув қўлланмаларининг Шакурий мактабида ўқитилганлиги ва ўқувчиларнинг улар асосида имтиҳон берганликлари тўғрисида бундай ёзган: “Бизни “Мадҳали жуғрофияи умроний” ва “Мухтасари жуғрофияи Русий” китобимизда Оврупа, Осиё, Африқо, Америко ва Австралия ҳам Русия мамлакатларини масоҳат (ўлчов), ҳудуд, нуфусларини қадари ва соати ва ҳар бирига неча мамлакат ва ҳукумат борлиғи ва Русия мамлакатини тақсимот ва нуфусларин эски ва янги қитъаларини ҳудуд ва денгизлари ва ер юзидаги ислом, насоро, яҳуд ва мажусларни адади муфассал ва ҳифзи билан баён этдилар”<sup>1</sup>.

Ушбу мақолада тасвир этилган имтиҳон пайтида маориф ходимларидан ташқари, маҳаллий ҳукумат номидан Ликошин билан Вяткин, шунингдек, приставлар, савдогарлар ва

---

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1906, 27-сон.

дўкандорлар ҳам иштирок этганлар. Икки кун давомда соат 10 дан 6 га қадар давом этган имтиҳон уларда яхши таассурот қолдирган. Уларнинг аксари шогирдлар илмига таҳсинлар айтган бўлса, айримлари ҳатто ҳаяжондан йиғлаб ҳам юборганлар. “Ҳожи Мавлонбек жаноблари, - деб ёзади Бехбудий, - олти соат қадар муттасил туриб, болаларни қироат ва илми диндан берган жавобларига йиғлаб, муаллимга 15 сўм ҳадя бердилар”<sup>2</sup>.

Шакурий мактабида Бехбудийнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида берилган билим ва бўлиб ўтган имтиҳон жамият олдида жадид мактабларининг обрў-эътиборини бир мунча кўтардики, бунда, Бехбудийнинг хизматлари оз эмас эди.

Илм-фаннинг бу оташин тарғиботчиси мактаб очиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзиш билангина шуғулланиб қолмай, Туркистон ўлкасининг йирик жамоат арбобларидан бири сифатида 1907 йилда Россия 3-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасини кўриб чиқиш учун юборди. Афсуски, 3-Давлат Думаси Бехбудий томонидан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳани эътиборсиз қолдирди. Аммо бу ҳол мазкур лойиҳа маъқулланган тақдирда Туркистон ўлкасининг ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатган бўлиши мумкинлиги шубҳасиз. Мазкур тарихий ҳужжатни ҳорижий архивлардан топган ватандошимиз доктор Темир Хўжа ўғли у ҳақда бундай сўзларни ёзган: “...бу матн диққат билан ўрганилса, Бехбудийнинг Чор Россияси қарамоғида Туркистонда яшаётган туркистонликлар учун (Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бунга кирмайди) ўз даврига кўра ғоят жасоратли, кенг ҳуқуқлар талаб этувчи мухторият истагани маълум бўлади. Таклифномадаги энг муҳим икки мавзунинг бири мактабларнинг хусусийлаштирилиши (18-модда), иккинчиси эса Русия Давлат Думасининг Туркистоннинг ички ишларига аралашмаслиги лозимлиги билан боғлиқ моддалардир”<sup>3</sup>.

Бехбудий 3-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига

---

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Жаҳон адабиёти, 2003 йил август сони. – Б. 148.



тақдим этган “лойиҳа”да “Умумий мактаблар” деган фасл ҳам бор бўлиб, унда қуйидаги масалалар қонуний кучга эга бўлиши сўралган эди:

“17. Русияга умумий ўқитув масаласи ва моддаси Туркистонни мусовиян (тенглик) муштакил (ўз ичга олган) бўлсун.

18. Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод бўлсун.

19. Умумий олий ва ўрта мақтабиға мусулмонлардан комиссия тайинлансун. Рус ҳарфи мусулман мактаблариға жорий бўлмасун.

20. Ҳар хил корхона, ҳибсхона ва аскархоналарғаки мусулмон бордур, мусулмон руҳонийси тайинлансун”<sup>1</sup>.

“Лойиҳа”нинг бу моддалари Бехбудийнинг 1907 йилдаёқ ўз олдига маърифатпарварликдан истиқлолчилик ҳаракати сари дадил қадам ташлаганидан дарак беради.

Бехбудий кейинчалик “Ойна” журналини ташкил этиб, ёшларни диний ва дунёвий билимларни эгаллашга, икки эмас, тўрт тилни ўзлаштиришга даъват этувчи мақолалар билан чиқди. Турли сафар таассуротлари асосида туркум мақолалар ёзиб, Шарқ ва, айниқса, Ғарб мамлакатларида кечаётган илмий-маданий юксалиш шу мамлакатларда илм-фанга бўлган катта эътиборнинг натижаси эканини ишонарли далиллар билан асослаб берди.

Миллий уйғониш ҳаракатининг раҳбарларидан бири шу йилларда “Туркистон маданий мухторяйти”ни амалга ошириш учун таълим тизимини ислоҳ этишнинг ўзигина кифоя қилмайди, деган бирдан-бир тўғри ва дадил хулосага келди.

### **“Бехбудия” кутубхонаси**

**Миллий маданиятимиз тарихига назар ташлаган киши**

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 156-157.

барча маърифатпарвар подшолар саройида кутубхоналар бўлгани ва шу кутубхоналарда ўзбек халқининг тарихи, дини ва маданиятига оид ноёб китоблар сақланганини яхши билади. Аммо бу кутубхоналардан фақат сарой аҳли ва саройга яқин кишиларгина фойдаланиб келганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида вужудга келган миллий уйғониш ҳаракати намояндалари эса ўз олдиларига айрим кишиларни эмас, балки халқни маърифатлаштириш мақсадини қўйганлари туфайли янги мактаблар очибгина қолмай, кенг халқ оммаси учун кутубхоналарни ҳам барпо этишга киришдилар. Ўтган асрнинг 10-йилларида Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги жадидлар ташаббуси билан “Турон” кутубхонаси ташкил этилди. Бундан бир неча йил илгари эса Самарқандда “Қироатхонаи Бехбудия” ўз фаолиятини бошлаб юборди.

“Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларини варақлаган киши мазкур газетанинг 1908 йилдаги 22 июнь сонидида Бехбудийнинг “Об открытии мусульманской библиотеки-читальни – мутолаахона» сарлавҳали хабар-мақоласини ўқиши мумкин. Бу хабардан маълум бўлишича, Бехбудий Самарқандда мутолаахона очиш мақсадида “ўн икки нафар мухтарам кишилар” – маслакдошлари билан бирга 27 “боб”дан иборат дастур ва низом (устав) тузиб, Самарқанд шахрининг ҳарбий губернаторига йўллаган экан. Мазкур дастур ва низом тасдиқлангач, мутолаахонанинг моддий жиҳатларини “мустаҳкамлаш ишлари” юришиб кетади. Аввало мутолаани ташкил этиш учун махсус жамият тузилади. Жамият аъзоларининг Бехбудий бошчилигидаги биринчи йиғилишида мутолаахона хизматчилари таркиби аниқлаб олинади. Бехбудий жамият раиси, Ҳожиқул Муҳамедов раис ўринбосари, таржимон Қўқонбой Абдухолиқ ўғли саркотиб, муаллим Хидирбек Абусаид ўғли раиснинг маиший ишлар бўйича ўринбосари, савдогар мулла Абдусалом Абдулмўмин ўғли хазиначи, муаллим Абдуқодир Абдулшакур ўғли (Абдуқодир Шакурий) ва Ҳожи Саид Аҳмад Хўжа Хабар ўғли идоранинг доимий аъзолари этиб

сайланадилар. Ушбу хабардан маълум бўлишича, жамият аъзолари мутолаахонани ўша йилнинг рамазони шарифга қадар очишга сўз берганлар.

Хуллас, мазкур йиғилишда баён қилинган фикр ва мулоҳазалар асосида тузилган қарор (қонуннома) ҳарбий губернатор генерал-майор Галкинга тақдим этилади ва у қарорнинг асл нусхаси тагига имзо чекиб, мутолаахонанинг очилишига ижозат беради. Шундан кейин мутолаахона 1908 йил 11 сентябрда расман очилади. Очилиш маросимида жадид мактаби талабаларининг бир гуруҳи иштирок этиб, саловот ўқийди. Сўнгра шаҳарнинг юздан зиёд тараққийпарвар кишилари хатми Қуръон қиладилар.

Кейинчалик “Бехбудия” кутубхонаси номи билан машҳур бўлган мутолаахона икки сменада (эрталаб соат 9 дан 5 гача ва соат 6 дан 12 гача) ишлаб, 60 дан 110 нафаргача бўлган кишиларга маданий хизмат кўрсата бошлайди. Бехбудийнинг «Самарқанд кутубхона исломияси» (“Туркистон вилоятининг газети”, 1908 йил, ноябрь) деган мақоласидан маълум бўлишича, кутубхона жамғармасида тўпланган китоб ва рисоалар ўша кезларда 600 та, газета ва журналлар эса ундан ҳам кўп бўлган. Бехбудий агар пул кўпайса, диний ва дунёвий китобларнинг янада кўпроқ сотиб олиш, Истанбул ва Коҳирада нашр этилаётган газета ва журналларга эса обуна бўлиш мумкинлигини айтган.

“Туркистон вилоятининг газети” қарийб ҳар бир сониди китоб сотиб олиб ўқиш имконига эга бўлмаган кишиларда кутубхонага қизиқишинг тобора ортиб бораётгани ҳақида хабар бериб борган. Газетанинг 1909 йил 15 январь сониди берилган маълумотга қараганда, 2000 нафарга яқин кишилар кутубхонадаги адабиёт ва матбуот асарларидан баҳраманд бўлганлар.

Бехбудий кутубхонанинг ташкилотчисигина эмас, балки ундан ўрин олган аксар китоб ва рисоаларнинг эгаси ҳам эди. Вадуд Маҳмуд Абдуқодир Шакурийга бағишланган мақоласида: “Бехбудий бой кутубхонанинг эгаси эди. 1000 жилдлик китоб

фондига эга бўлган бу мутолаахона барча учун доимо очиқ эди. Ўша вақтларда бу китобларнинг ҳар бири олтин баҳосида ҳисобланарди. Бехбудий бу жойнинг биноси ва бошқа харажатларини ўз чўнтагидан тўлар эди”<sup>1</sup>, деб ёзган.

Кутубхонага бўлган эътиборнинг ошиши кейинчалик унда китоб савдоси билан шуғулланиш имконини ҳам яратди. Бехбудий самарқандлик тараққийпарвар кишиларнинг хорижда нашр этилган ва нашр этилаётган китобларга бўлган қизиқишларини ва уларнинг илтимосларини эътиборга олиб, Кавказ, Қрим, Туркия ва бошқа мамлакатларга саёҳатга борганида, у ердан кутубхона учун китоблар, “Ойна” журнали учун эса клишелар олиб келишга аҳд қилди. У “Қасди сафар” сарлавҳаси мақоласида шу ҳақида бундай деб ёзган эди: “Кутубхонаи Бехбудия” исминда “Ойна” идорасина китоб савдоси очмоқ учун рухсат олинган. Истанбул, Миср, Қрим, Кафказ, Қозон, Ўрунбург, Ҳиндистон китоблариндан келтирмоқ керак. “Ойна”да қўймоқ учун Русия ва хорижийнинг машҳур иморат ва манзара акобирларининг расм ва суратлари, илмий ва фанний мақолалар учун фанний ва тарихий нақшларни қолиб-клишеси лозим...”<sup>2</sup>.

Бехбудий 1914 йил 29 май куни бошланган катта саёҳати давомида Кавказ, Қрим, Туркия, Греция, Болгария, Австрия ва Германиянинг турли шаҳарларида бўлади ва бу шаҳарлардан “Бехбудия” кутубхонаси учун жуда қўп китоб ва рисоаларни олиб келади.

Афсуски, “Бехбудия” кутубхонасининг 1917 йилдаги инқилобий воқеалардан кейинги тақдири хусусида матбуотда бирор мақола ёки хотира эълон қилинмаган.

## Исмоил Гаспринский ва Бехбудий

---

<sup>1</sup> Кўчирма филология фанлари номзоди З.Ахророванинг “Бехбудий” кутубхонаси” мақоласидан олинди, - Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1995 йил 17 февраль.

<sup>2</sup> *Бехбудий М.* Танланган асарлар. – Б. 24.

Боғчасаройда Исмоил Гаспринский томонидан “Таржимон” газетасининг нашр этилиши ва бу газетанинг Туркистонда тарқала бошлаши ўлканинг маданий-маърифий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Ўз газетасининг Туркистонда тарқалишидан манфаатдор бўлган боғчасаройлик маърифатпарвар ҳам 1893 ва 1897 йилларда Туркистонга келади. Айрим адабиётшуносларнинг тахмин қилишларича, “барча нарсага қизиқувчи” Бехбудийнинг шу йилларда Гаспринский билан учрашмаган бўлиши мумкин эмас.

Бехбудий Туркистон ўлкасига момагулдирак ўлароқ акс-садо билан кириб келган “Таржимон” газетаси ва унинг муҳаррири билан қачон ва қаерда танишган? Афсуски, бу саволга бирорта ўзбек адабиётшуноси, шу жумладан, “Исмоил Гаспринский ва Туркистон” мақолалар тўпламида (2005) “Исмоил Гаспринский ва Маҳмудхўжа Бехбудий” мақоласи билан қатнашган таниқли адабиётшунос Бегали Қосимов ҳам аниқ жавоб бермаган ва бундай вазифани ўз олдига қўймаган. Бехбудийнинг Гаспринскийга бағишланган бир хотира ва бир марсия-мақоласида ҳам бу масалага ойдинлик кирита олувчи бирорта шама йўқ. Бироқ Бехбудийнинг биринчи библиографи Ҳожи Муиннинг устоз ҳақидаги мақолаларида баъзи бир фикрлар борки, қуйида улар билан танишиш масаланинг бир оз ёруғлик касб этишига имкон туғдиради.

Ҳожи Муин “Учкун” журналининг 1923 йил 1-сонида эълон қилинган “Маҳмудхўжа Бехбудий” мақоласида бундай ёзган:

“Ҳижоз сафаридан кейин Бехбудий афанди Боғчасаройда чиқа турғон “Таржимон”<sup>1</sup> газетасини олдириб ўқий бошлади. Иккинчи томондан, турлик фанний, илмий китобларнинг мутолааси билан маълумотини кенгайтира берди.

---

<sup>1</sup> Самарқандда ерлик мусулмонлардан бошлаб 1892 йилда “Таржимон” газетасини олдируб ўқуғон киши Ҳожи Абдуқодир (меъмор) бўлиб, ундан кейин Хўқандбой Абдуҳолиқ ўғли, ундан сўнг татарлардан Бадриддин афанди, дерлар. Бехбудийдан илгари Самарқандда ёлғуз 3 нафаргина газета ўқигувчи бор эмиш. (Ҳожи Муин изоҳи.)

Бехбудий афанди ҳаж сафаридан бурун бир неча йил қозихона ва ҳукумат идораларига келмақда бўлгон миссионер Остроумовнинг “Туркистон вилоятининг газети”ни ўқуб юрган бўлса-да, бу газета унинг фикрини очмайди. Балки “Таржимон”ни ўқий бошлагандан сўнг фикри очилиб, “Туркистон” газетасининг мусулмонларни афол этиш мақсади билан ёза тургон сўзларини тушуна бошлайди ва ўзиға учрагон ёру дўстларини мустабид ҳукуматнинг бузуқ мақсадидан огоҳлантиради. Ҳар вақт ва ҳар ерда йўлуққан ва мусоҳиб бўлгон ошноларини саёҳатға тарғиб ва газета ўқишға ташвиқ этиб юрди. Шу билан баробар аларға ўзи ўқуб чиққан газеталарни тарқатди”<sup>2</sup>.

Ҳожи Муиннинг бу сўзларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Бехбудий “Таржимон” газетасини “ҳижоз сафари”дан, яъни 1899 йилдан кейингина “олдириб ўқий бошлаган”. Бинобарин, у шу вақтга қадар Гаспринский билан шахсан таниш бўлмаган ва ҳатто унинг “Таржимон” газетасини ўқимаган.

Ҳожи Муиннинг юқорида келтирилган сўзлари биз учун яна шу жиҳати билан муҳимки, муаллиф унда Бехбудийнинг “Таржимон” газетасини ўқий бошлагандан кейингина кўзи очилгани ва миссионер Остроумов муҳаррирлик қилган газетанинг асл моҳиятини тушуниб, ундан юз ўгирганини тўғри қайд этган. Бехбудий замондоши ва яқин свфдошининг бу сўзлари адиб дунёқарашининг ўзгариши ва янги маъно касб этишида Гаспринскийнинг таъсири ғоят катта бўлганини тасдиқлайди.

Ҳожи Муин “Зарафшон” газетасининг 1923 йил 25 март сониде босилган бошқа бир мақоласида “Таржимон” газетасининг Бехбудийга кўрсатган таъсири тўғрисидаги фикрларини такрорлагандан сўнг, бундай ёзган: “5-йил ўзгаришидан кейин Русия ва Туркистонда турлик миллий газета ва журналлар чиқа бошлади. Бехбудий бу газеталарнинг кўбисида ҳар мавзуда мақолалар ёзуб, халққа раҳбарлик этар эди. Дума ва сайлов масаласи кўзғалғонда шул мавзуга оид керак

---

<sup>2</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Б. 22-23.

оғзаки ва керак матбуот орқали халққа фойдалиқ маълумот ва таълимот бериб турди. 1321 (1903) йилда Самарқандда янги мактаблар очила бошлағоч, Бехбудий афанди, бир ёқдан, халқни мактаб ва маорифга ташвиқ этганидек, иккинчи ёқдан, бу мактабларда она тилимизда китоблар йўқлигини кўзда тутуб, мактаб учун форсча ва ўзбекча турлик китоблар ёзди ва уларни ўз маорифи билан босиб тарқатди. Биринчи мартаба ўз тилимизда харита ва тиётр рисоласи ёзуб, таъъ ва нашр этди”<sup>2</sup>.

Ҳожи Муиннинг бу сўзлари Гаспринский газетасининг Бехбудий дунёқараши ва ижтимоий-педагогик фаолиятига кўрсатган таъсири масаласига янада аниқлик киритади. Шу билан бирга биз ҳали тўхтаб улгурмаган масалага ҳам эътиборни жалб этадики, бу. “Бехбудия” нашриётининг ташкил этилиши билан боғлиқ масаладир. Гап шундаки, Бехбудий “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналини нашр этишга киришган кезларда (1913 йил) “Бехбудия” нашриётини ҳам очиб, Фитратнинг “Баёноти сайёҳи ҳинди” асарини рус тилига таржима қилдириб (таржимон Ягелло), нашр этган. Шу билан бирга ўзбек тилида тарихда биринчи марта Туркистон ўлкасининг харитасини чоп этган.

Шубҳасиз, Бехбудий олиб борган бу ишларнинг ҳаммасини Гаспринский номи билан боғлаш тўғри бўлмайди. Зеро, Бехбудий фаолиятининг кўлами, билим доираси ва дунёқарашининг кенглиги билан Гаспринский қаршисида тик турувчи шогирдлардан эмас.

Яна Ҳожи Муиннинг “Танланган асарлари”ни мутолаа қилишда давом этсак, бизни қизиқтирган қуйидаги сўзларга кўзимиз тушади: “Бир вақт (1908 йилда), - деб ёзади у, - “Таржимон” газетасининг муҳаррири Исмоилбек афанди Гаспринский (25 йиллик<sup>1</sup> юбилейидан сўнг) Самарқандга келганида, Бехбудий афанди йиғлағон ҳолда ул зот ила қучоқлиб кўрушуб: “Бу кун сизнинг ҳузурингизга келиб

---

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 26-27.

<sup>1</sup> 25 йиллик эмас, балки 55 йиллик.

суҳбатингиздан истифода қила турғон зиёлиларимиз йўқ”, - деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: “Бехбудий афанди! Йиғламанг! (Мажлисдаги кишиларга ишора қилиб.) Мана булар озми? Яна сизлар тиришсангиз, оз бир фурсатда миллатга кераклик кўб одамлар етирдира олурсиз”, - деди”<sup>2</sup>.

Бу сўзлардан маълум бўлишича, Боғчасаройда 55 йиллик юбилей тантаналари ўтгандан сўнг, Гаспринский Самарқандга келиб, Бехбудий ва унинг маслақдош биродарлари билан учрашган.

“Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслиги муаллифлари шу ҳақда бундай ёзганлар:

“Исмоилбекнинг Туркистонга иккинчи сафари 1908 йилга тўғри келади. Сафар тафсилотлари “Бухорода не кўрдим?” сарлавҳаси остида “Таржимон”нинг ўша йил сонларида (47, 50, 57-59, 64, 78) босилган. Каспийдан “Генерал Скобелев” кемасида келиб, Красноводскдан поездга ўтаркан, Кўктепа урушини эслайди. Қалъа аҳолисининг “бутун Осиёга шуҳрат ва ибрат дея бола-чақаси баробар қиличдан кечурулуб, от оёғида топталганини алам ва изтироб ила ёдга олади. Исмоилбекни Янги Бухоро (Когон) станциясида амир одамлари ва Русия сиёсий агентлиги таржимони Мирҳайдарбек кутиб оладилар. Амир одамлари уни Карманага таклиф этади. Зиёфат асносида валиаҳд Саййид Олимхон билан учрашади. Валиаҳднинг Русия матбуотини мунтазам ўқиб боришини, дунё воқеаларидан хабардорлигини кўради. Самарқандга ўтади. “Усули жаҳид” мактаблари билан танишади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий билан узоқ суҳбатлар қуради. Гап тарих ва келажак, муқаддас обидалар ва уларнинг тақдири, рус истилочилик сиёсати ва ўзликни сақлаб қолиш ҳақида эди”<sup>1</sup>.

Дарсликдаги бу сўзлар Гаспринскийнинг Туркистонга иккинчи марта 1907 йилда келганлиги ҳақидаги маълумотини

---

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 30.

<sup>1</sup> Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, - Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 240-241.



нотўғри эканини кўрсатади.

Яқинда Истанбулда нашр этилган И.Гаспринский асарларининг III жилдида “Бухорода не кўрдим” сарлавҳали хотира ҳам эълон қилинган бўлиб, муаллиф унда самарқандлик дўстлари билан бўлиб ўтган учрашувларини бундай хотирлаган:

“Самарқанднинг усули жаид мактаби мунтазам характерли дастур ва идора усулига эга. Катта муаллим Абдуқодир афанди Шакурий мактаб интизоми ва ривож учун унинг оддий бир ходимигина эмас, балки фидойиси бўлиб хизмат қилади. Зиёли уламолардан Маҳмудхўда Бехбудий жаноблари мактаб бунёд этилгандан бери ҳиммат кўрсатиб келаётир. Муаллим Абдуқодир Абдушакурий афанди усуои савтия ва низомни ўрганиш (фонетик усулни қўллаш ва ва ўқув ишларини йўлга қўйиш) мақсадида “Таржимон” идораси билан келишилган ҳолда бошқа жойларда очилган усули савтия мактабларини зиёрат қилиб, эзгу ният ва истаклар ила касбий маълумот олган. Самарқандда муқим яшайдиган ушбу кўзи очиқ муаллимга россиялик нўғон тужжорлар томонидан кўрсатилан моддий ёрдамни катта мамнуният ила эшитдик. Шундай бўлмоғи керак. Ҳам диннинг, ҳам замонанинг фарзларидан ҳисобланади бу.

Мактабнинг юзтача толиби ва учта муаллими бор. Дастурида туркча, форсча ва арабчанинг бошланғич дарслари, дин илми, жўғрофия ва тарих мавжуд. Оҳангини келиштириб муножот, шеър ўқиш мактабга хос бўлган усул. Кичкинтой шогирд ўқувчиларни кўздан кечирдик. Яхши тарбия олганликлари, дарсларни аълога бажаришлари ўзларини тутишларида, кўзларида акс этган нур ва жасоратда зухур этарди.

Хожа Маҳмуд муфти яна шундай мактабни очишни ўйларди. Маориф учун хизмат қилаётган Самарқанд аҳли хайр-эҳсон жамияти ва халқ учун ўқиш жойларига рухсат ва имтиёз олиб, ионалар тўплашга киришган эди. Каминанинг хотири учун унга “Исмоилия” номи берилар эмиш. Замонавий илмларнинг мазаси бу ерларда ҳам ҳис қилина бошлайди.

Самарқанд гимназиясидан маҳаллий битта ва Русиядан келган турклардан олти нафар талаба (таҳсилда) давом қилаётган экан. Маҳаллий халқдан бир “участка пристави” (кичик мавзе бошқарувчиси) ва яна битта доктор (врач) бор экан. (Буларнинг) ортларидан етишиб келаётганлар янада чўх бўлсин, кўп бўлсин”<sup>2</sup>.

Бу сўзлардан маълум бўлишича, Гаспринский самарқандлик дўстлари хузурига қилган ташрифи чоғида асосан бошланғич таълим ва тарбия ишлари билан қизиққан ҳамда Бехбудий ва Шакурийнинг бу соҳада олиб борган ишларидан мамнун бўлган.

Кўрамизки, Гаспринский хотираларидан келтирилган ва дарсликдан ўрин олган лавҳа ҳам, Ҳожи Муин томонидан берилган маълумот ҳам (мухтасар шаклда ифодаланганига қарамай), икки улкан маърифатпарвар ўртасидаги ўзаро алоқа ҳақида аниқ тасаввур беради.

Шундай қилиб, Бехбудий Гаспринский билан 1908 йилда Самарқандда учрашган. Агар Ҳожи Муин тасвиридаги икки аллома учрашувини яна бир бор кўз олдимиздан ўтказсак, унинг биринчи учрашув бўлмаганлиги кундек равшан бўлади.

### **Истанбул шаҳридаги учрашув**

Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатининг жунбушга келиши ва шу ҳаракатнинг муҳим бир қисми – янги усул мактабларини очиш ғоясининг кенг тарқалишида Исмоил Гаспринскийнинг хизматлари оз эмас. Мустамлакачилик шароитида Россия худудларида яшаган барча туркий халқларни мудроқ ҳолатдан уйғотишни, уларни маърифат ёрдамида миллий тараққиёт сари етаклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Гаспринский ва унинг “Таржимон” газетаси билан яқиндан танишиш Бехбудийнинг Туркистон жадидларининг раҳбари даражасига кўтарилишида муайян аҳамиятга молик бўлди.

Биз масаланинг шу томонини эътиборга олиб, қуйида икки

---

<sup>2</sup> *Gasprali Ismail. Cechilmish Eserleri, III. – Istanbul, 2008. - Б. 436-438.*

алломанинг Истанбул шаҳридаги учрашувига алоҳида тўхтаб ўтмоқчимиз. Учрашув тафсилотлари Бехбудий қалами билан ёзилгани ва “Ойна” журнали (1914 йил, 49-сон) да эълон қилингани туфайли бизнинг ишимиз бир қадар енгиллашади ва биз Бехбудий ҳикоясини ҳозирги ўзбек тилида мухтасар бир шаклда ифодалашга ҳаракат қиламиз.

...1914 йил 20 июнь. Аср вақти. Бехбудий марғилонлик мударрис ҳамроҳи билан бирга Истанбул шаҳридаги Гулхона боғининг салқин хиёбонида суҳбатлашиб борарди. Олдинда кетаётган икки киши ҳаддан зиёд сокин одим ташлаб бораётгани учун Бехбудий бир қўлини кўксига қўйиб, уларга салом бераётган кишидек ҳамроҳи билан тез юриб, улардан ўзиб кетади. Бегона кишилардан бири бошига барра қорақўл телпак кийган татар, иккинчиси эса фаслик турк эди. Бехбудий бу икки кишидан бири Гаспринский, иккинчиси эса Ҳамдуллоҳ Субҳибек эмасмикан, деган хаёлга боради. Бехбудий ҳали ўн қадам ҳам юрмаган эди, орқадан: “Ай, хожа!” деган таниш овоз эшитилади. Бу овозни эшитиши билан Бехбудийнинг юраги гурс-гурс уриб, ўша заҳоти орқага ўгирилади. Унинг қаршисида боғчасаройлик буюк маърифатпарвар турарди.

Ҳамдуллоҳ Субҳибек Бехбудийни орқасидан таниб қолиб, Гаспринскийга у ҳақда сўзлаб улгурган эди. Дўстлар бир-бирларига кучоқ очиб кўришадилар. Сўнгра Гаспринский Бехбудийнинг бошидан-оёғига қадар назар ташлаб, хитоб қилади:

- Не учун бу қадар кексаймоқ?!

Бехбудий бу кутилмаган саволга муносиб жавоб қайтаради:

- Не учун бу қадар ориғламоқ?!

Дўстлар беихтиёр кулиб юборадилар.

Бехбудий шу куннинг эртасига Шом ва Мисрга сафарга кетажagini айтгач, Гаспринский: “Ундай бўлса, суҳбат этайлик”, - деб ҳамроҳига жавоб беради. Бехбудий ҳам мударрис билан хайрлашади. Дўстлар боғдан чиқиб, аравада Шоҳин Пошо меҳмонхонасига етиб келадилар. Таом буюрган бўлишларига

қарамай, ҳар иккала мунаввар таомни унутиб, суҳбат денгизига ғарқ бўладилар. Гаспринский ҳар уч-тўрт дақиқада енгил йўталиб турганига қарамай, “Русиядан, Туркистондан, умум олами исломдан, дунёдан сўйлайди”, “мусулмонларни кундан-кун тараққий этишини сўйлаб”, хурсанд бўлади. Сўнгра:

- Энди сиз сўйланг, азизим Маҳмудхўжа, - деб сўз навбатини Бехбудийга беради.

Бехбудий “Самарқанд, Бухоро, Тошканд, Хива, Фарғона, хулоса, ҳар биридан сўйлайди”.

- Оллоҳга шукур, - дейди Гаспринский дўстининг сўзларини тинглаб бўлгач, - туркистонлик қардошлар болаларини ҳукумат мактабларига ўқишга бера бошлабдилар. Бугун икки газета ва бир журналингиз бор. Мактабларингиз ҳам бир оз тараққий этмоқда. Ҳукумат мактабларига кўпроқ бола берингиз. Рус маданиятидан қочмангиз. Оҳ, билмайман, Бухоро на бўлур?..

- Афандим, - жавоб беради Бехбудий, - Бухорони ҳукуматимиз, яъни Русия тарбия қилмагунча ундан бирор нарсани умид қилиб бўлмас.

- Ҳа, тўғри, охир-оқибат шундай бўлмоғи лозим, - дейди Гаспринский ўксиниб.

Сўз бошқа мавзуга кўчади. Бехбудий бир неча маротаба: “Сиз ҳазратлари энди истироҳат қилингиз”, деб кетишга рухсат сўрайди. Лекин Гаспринский самарқандлик дўстининг кетишини истамай: “Сиз бу ерда бўлсангиз, мен истироҳат қилгандек бўламан. Агар кетадиган бўлсангиз, хат ёзишга ўтираман», - дейди.

Гаспринский ўша йилнинг февраль ойида Россия Давлат Думаси мусулмон фракциясининг аъзолари билан учрашиш учун Петербургга борганида шамоллаб қолиб, расмий мажлисларда иштирок этолмаган экан. Шунинг учун у агар Истанбулнинг ҳавоси ёқса, бу ерда бир мунча вақт турмоқчи, сўнгра, Оллоҳ хоҳласа, Коҳирага бориб, баъзи бир ишлар билан шуғулланмоқчи экан.

- Сафардан қайтишингизда Боғчасаройга кириб ўтинг,

автомобилда бирга юриб, сизга Қримни кўрсатаман, - дейди у.

Гаспринский хасталиқдан безовта бўлаётгани сабабли, Бехбудий изн сўрашига қарамай, караватга чўзилиб, соатлаб сўзлайди. Бир маҳал қарашса, тун яримлаб қолган, улар эса оз эмас – кўп эмас, етти соат суҳбатлашиб ўтиришган экан. Гаспринский шундай кейингина дўстининг кетишига рухсат беради, уни зинага қадар кузатиб ва ундан Боғчасаройга, албатта, келиши ҳақида ваъдани олиб, у билан видолашади.

Бехбудий қримлик дўсти билан Истанбулда бўлиб ўтган учрашув тафсилотини ҳикоя қилиб бўлгач, 1908 йили Самарқандда бўлиб ўтган учрашувни эслаб, бундай ёзган:

“7 сана муқаддам устод ҳазратлари Самарқандга келиб, муаллим Шакурий ва бизга меҳмон бўлуб эдилар. У замонгидан кўра энди кўп ориғлаб эканлар. Устод ҳазратларини Истанбулда кўрмоқ ва суҳбат этмоқ ҳеч хаёлимга ўтмаган эди. Оллоҳнинг лутфи ила устод ҳазратларининг танҳои 7 соат суҳбатларидан у қадар файз топиб, мамнун қолдимки, айтган ила адо этолмайман ва ул суҳбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур. Кошки эртаси Шомға кетмай, устод ҳазратлари ила зиёдароқ суҳбат этса эдим. Оҳ! У устоди комилни энди кўлдан бердук ва олами руҳонийға учди. Балки уйқуларда, хулё (хаёл) ларда ул зоти сотуда сифатнинг руҳи ила суҳбат этармиз”<sup>1</sup>.

Бу, XX асрнинг биринчи чорагида яшаб, туркий халқлар оламини мунаввар этган икки улуғ маърифатпарварнинг энг сўнгги учрашуви эди.

### **Биринчи ўзбек драмасининг яратилиши**

**XX** аср бошларида жадидчилик ҳаракати ва адабиётини бошлаб берган кишининг театр билан шуғулланмаслиги, санъатнинг халқ оммасига энг самарали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу турига катта эътибор бермаслиги маҳол эди. Ўзининг тарих олдидаги миссиясини чуқур ҳис қилган адиб 1911

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Б. 83.

йилда биринчи ўзбек драмаси - “Падаркуш”ни ёзиб, Туркистонда янги санъат турига тамал тошини қўйди. Сир эмас, мамлакатимизда узоқ асрлар давомида халқ театри фаолият олиб борган ва томошабинларга маданий хизмат кўрсатиб, байрамлар ва тўй-ҳашамларнинг қувноқ ўтишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Лекин Бехбудий ва унинг жаҳид сафдошлари бошлаб берган театр профессионал театр санъатининг дастлабки босқичи бўлди.

Шу нарсани унутмаслик лозимки, 1911 йили, Бехбудий асаридан бир оз аввал, қўқонлик муаллим Абдурауф Самадовнинг “Маҳрамлар” пьесаси рисола шаклида нашр этилган. Бу тарихий факт, айрим ижодкорлар назарида, Бехбудийни ўзбек драматургиясининг отаси, “Падаркуш”ни эса биринчи ўзбек драмаси дейишимизга монелик қилади. Лекин “Маҳрамлар”нинг дастлаб “Ўликлар” номи билан татар тилида ёзилгани ва муаллифнинг ўзи ҳам татар миллатига мансуб бўлганини эътиборда тутсак, Бехбудийни ўзбек театр санъатига, хусусан, ўзбек драматургиясига пойдевор қўйган сиймо сифатида эътироф этишимиз ўринлидир. Қолаверса, А.Самадовнинг бу асари “Падаркуш”дан кейин саҳна юзини кўрган ва унинг саҳналаштирилиши Туркистоннинг ўша йиллардаги маданий ҳаётида “Падаркуш”нинг намоёйишидек улкан тарихий воқеа бўлмаган.

Ҳали миллий адабиётда драматургия намуналари бўлмаган бир пайтда “Падаркуш”нинг яратилиши оддий ҳодиса эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзбек театрининг рус миллатига мансуб тарихчилари бу асарни Фонвизин қаламига мансуб “Дундук” (“Недоросль”) пьесаси таъсирида яратилган, деган фикрни олға суриб келдилар. Ҳолбуки, 1877 йилдан 1917 йилгача бўлган даврда Туркистонга гастролга келган рус театрлари ёки театр труппаларининг бирортаси Тошкент, Самарқанд ёки бошқа шаҳарларда “Дундук”ни намоёйиш этмаган. Бехбудийнинг ҳам бу асар билан таниш бўлгани ҳақида бирорта маълумот йўқ. Аммо шу тарихий даврда татар ва озарбайжон театрлари Туркистонга

гастролга келиб, кўплаб миллий сахна асарларини намойиш этганларки, ўзбек театр санъатининг вужудга келишида шу театрларнинг спектакллари муҳим роль ўйнаган. Бехбудийда драматургия ва театр санъатига қизиқишнинг пайдо бўлиши ҳам шу театрларнинг Туркистон сахналарида намойиш этилган спектакллари туфайли, десак хато бўлмайди.

Шу нарса эътиборга сазоворки, агар А.Самадовнинг “Маҳрамлар” пьесаси яқин ўтмишдаги иллатлардан бири - баччабозликка қарши ёзилган бўлса, Бехбудий ўз асарида маърифатсизликнинг миллат ва миллатнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига кўрсатажак фожиали зарарини тасвираб берган. Асарнинг “Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли” деб номланиши ҳам тасодикий эмас. “Падаркуш” муносабати билан ёзилган мақолаларнинг бирида асарнинг ҳаётда рўй берган реал ҳодиса таъсирида ёзилгани айтилади. Бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мос ёки қанчалик зид эканидан қатъий назар, XX аср бошларида ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаган оталар ҳам, ёшлик йиллари такасалтанг, ишёқмас, маишатпараст бойвуччалар даврасида ўтган болалар ҳам оз бўлмаган. Бехбудий “Падаркуш”да нафақат шундай оталар, балки шундай фарзандларининг ҳаёти ҳам фожиа билан тугаши мумкинлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар иккаласини ва, умуман, XX аср бошларидаги ўзбек жамиятини огоҳлантиришга интилган. Шу огоҳлантирувчи пафос, жадидчиликнинг туб моҳиятини очувчи маърифатпарварлик ғояси асарнинг катта ижтимоий ва маърифий аҳамиятини белгилаб беради ҳамда унинг ўша даврнинг энг муҳим ва долзарб мавзусига бағишланганини кўрсатади.

Муаллиф асар сарлавҳасидан кейин қавс ичида унинг жанри ва мавзусини “Туркистон маишатидан олинган ибратнома” деб белгилаган. Шунингдек, асарни китобхонга “3 парда 4 манзарали миллий биринчи фожиа” сифатида тақдим этган. Асарда Бой (50 яшар) ва унинг ўғли Тошмурод (15-17 яшар) дан ташқари, Домулла (янги фикрлик бир мулла, 30-40 яшар), Зиёли (Овруро

либосида, ўрусча ўқигон, миллатчи мусулмон) ва бошқа персонажлар ҳаракат этадилар.

Асар Домулланинг Бой меҳмонхонасига кириб келиши билан бошланади. Шу пайт Тошмурад меҳмонхонага кириб, ким биландир томоша кўргани кетаётганини айтади ва отасидан пул сўрайди. Тошпўлат муддаосига эришиб чиқиб кетгач, Бой билан Домулла ўртасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади:

Б о й. Сўзлашиб ўлтуринг, тақсир.

Д о м у л л а. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур. Худо умр берсин, усули жадид мактабигами ўқийдур ёинки эски мактабга?

Б о й. Иккисига ҳам бормайдур.

Д о м у л л а. Ўз ҳовлингизда ўқитатурғонсиз?

Б о й. Йўқ, йўқ. Мен ўғлумни ўқутмоқға ўйлаганим йўқ.

Д о м у л л а. Ажойиб, сабаб недурки, ўқутмайсиз? Ваҳолонки, ўқумоқ қарз ва илм сабаби иззати дуне ва шарофати охиратдур.

Б о й. Манинг хаёлимға дунёнинг сабаби, иззати – бойлик. Охиратға бўлса, худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан, мана банклар кўпайди. Катта бойлар чилен бўлуб, ҳар ким чиленларни иззат қилур, ҳатто иши тушатурғонлар чилен молини қиммат олур, азбаски, чилен илтифотиға олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра муомиладорлар синиб, майда-майда бўлур, билдингизми?

Д о м у л л а. Бу сўзларингиз ҳозирги замонага маъқул, лекин чилен ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кўзи очилгунчадир. Ҳолбуки, аларни иши тушганлар иззат қилур, муллони бўлса, барча халқ иззат қилур, яъни муллони илми иззат қилинадур.

Б о й. Бизни ҳам бойлигимиз иззат қилинадур, ҳатто мусулмонлар нари турсун, ўрус ва арманлар-да иззат қилур.

Д о м у л л а. Иззатни нари қўйдук, агарда ўғлингизни ўқутсангиз, дафтарингизни ёзар, намозингизни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизға савоб бўлур.

Б о й. Мирзалик осон, мана, Хайруллога ойинда етти сўм



бераман, кундузлари мирзалик ва оқшомлари меҳмонхона ишини қилар ва ҳатто, уйқум келгунча ходими қилар, китоб ҳам ўқуб берар...

...Д о м у л л а. Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўтказмоқ учун (ҳам) керак, Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яхудий ва бошқа ажнабийлар қўлига ўтди, муни сабаби бизларнинг ўқимағонимиздур. Ўқумағон бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлингизни ўқутмоқни сизга таклиф қиламан.

Б о й. Ай, домулло! Сиз манга таҳқиқчими? Ўғул маники, давлат маники, сизга нима? Ўқуганни бири сиз: емоқға нонингиз йўқ, бу ҳолингиз билан манга насиҳат қилурсиз. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди. (*Х а й р у л л а лаъли ва асбобларни жамлаб мунтазин турар.*)<sup>1</sup>.

Драма экспозициясида бўлиб ўтган Бой билан Домулланинг бу суҳбати ҳар иккала персонаж моҳиятини очибгина, уларнинг ўтган аср бошларидаги халқ оммасининг қайси қатламига мансублигини кўрсатибгина қолмай, воқеаларнинг кейинги ривожини ва ҳатто хотимасини ҳам, пружина сингари, ўзида сиқиб-ушлаб туради. Бу саҳнадаги Домулла образидв Бехбудий ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва маърифий қарашларини ифодалашга уринади. У ўзининг жадидчилик-маърифатпарварлик ғояларини шу образ орқали томошабинга етказмоқчи бўлади. Шубҳасиз, томошабинларнинг Бойга руҳан яқин қисмига Домулла-Бехбудийнинг бундай насиҳатлари кор қилмаслиги мумкин. Шунинг учун Бой меҳмонхонасидан ҳайдалаётган Домулла энди залга қараб, дейди:

“Д о м у л л а (*одамларга қараб*). Ўқумоқ ва мулла бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас, бу кетиш ила, наузамбиллоҳ дунё ва охиратға расво бўлурмиз, ўқумоқ барча мусулмонга, эркак ё хотун бўлсун, фарз эди. У қайда қолди? Оҳ,

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Б. 40-42.

вой бизни ҳолимизға!..”<sup>2</sup>

Бундан қарийб 100 йил аввал ёзилган бу асардаги Домулланинг халқни маърифатга даъват этиши, унинг тақдиридан қайғириши билан боғлиқ мотив ҳали ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Негаки, шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятда яшаб, йилдан-йилга ривожланиб ва тармоқланиб бораётган билимларни мукаммал эгалламасдан туриб, буюк келажакни барпо этиш мумкин эмас. Шу маънода жадидларнинг, жумладан, Бехбудийнинг маърифатпарварлик ғоялари бугун мамлакатимизда олиб борилаётган маърифий ва маданий жараён билан уйғун бўлиб қолмоқда.

“Падаркуш” драмасининг асосий қаҳрамонларидан бири Тошмурод охир-оқибат маишатпараст шериклари билан келиб, отаси яширган пулни ўғирламоқчи бўлади. Шу пайт унинг шериклари қўлга тушмаслик учун воқеадан огоҳ бўлиб қолган отасига дафъатан пичоқ санчадилар. Ҳам отасидан, ҳам отасининг давлатидан айрилган Тошмурод қамоққа олинади. Бехбудийнинг фикрига кўра, ўқимаган болани ўтган аср бошларида тахминан шундай бахтсиз келажак кутарди.

“Падаркуш”нинг матбуот ва саҳна юзини кўриши оғир кечди. Ўша йилларда ташкил этилган ҳар бир газета чор ҳукуматининг махсус рухсати берилгандан кейингина дунё юзини кўрганидек, бу асарнинг ҳам рисола шаклида чоп этилиши ва саҳналаштирилиши учун чор маъмурларидан рухсатнома олиш зарур эди. Ўзбек театри тарихига оид манбаларда айтилишича, драма гарчанд 1911 йилда ёзилган бўлса-да, драматург асар устида кимларнингдир фикр-мулоҳазалари асосида ишлаб, уни 1912 йилнинг август ойида нашрга тайёрлаган. Асарнинг нашр этилиши осон кўчсин учун уни “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилейи”га бағишлаган.

Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев топган маълумотга қараганда, 1912 йил 26 август куни Самарқанддаги Тиллакори

---

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б.42.

мадрасасида бўлиб ўтган “Ватан муҳорабаси байрами”да Бехбудий “Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли” номли “3 пардалик Туркистоннинг ҳозирги маишатидан олинмиш фожеа театру рисоласи”ни “Самарқанд волийси жаноблари”га топшириб, “ватан музаффарияти ёдгори учун онинг нашрига рухсат берилмак”ни илтимос қилган. “Волий жаноблари, - деб ёзилган у топган маълумотда, - кўб хурсандлик илан олуб, нашрга рухсат бермакни ваъда қилибдурлар”<sup>1</sup>.

“Падаркуш” шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бўлса керак, Бухорода чиқа бошлаган “Турон” газетасининг 1913 йил 1 ва 3 январь сонларида босила бошлайди. Аммо газетаинг ёпилиши муносабати билан асарнинг сўнгги қисмлари босилмай қолади. Ниҳоят, “Падаркуш” “Самарқанд волийси” – ҳарбий губернатор генерал-майор Илья Олешилидзенинг ёрдами ва “матбуот ишлари Тифлис қўмитаси”нинг 1913 йил 23 июль санали рухсати билан Самарқанддаги Газаров ва Сиянов матбаасида босилиб чиқади. Аммо ҳали на Тошкентда, на Самарқандда миллий театр труппасининг шаклланмаганлиги туфайли асарни саҳналаштириш ишлари ҳийла чўзилади. Ниҳоят, 1914 йил 15 январь куни Самарқандда, ўша йилнинг 16 февраль куни эса Тошкент (Колизей театри) да биринчи ўзбек драмасининг саҳна юзини кўриши халқ ва мамлакат ҳаётида нутилмас воқеа бўлди. “Ойна” журналининг 1914 йил 14-25 январь сонисида асарнинг Самарқандда қўйилиши ҳақида бундай сўзлар ёзилди: “Падаркуш” фожиаси ила “Алдадик ва алдандик” воқеаси саҳнага қўйилди. “Падаркуш”(нинг) ниҳоятда яхши амалга қўйилғони ҳозир бўлғон ҳар кишининг розилигидан маълум эди. Халқ ниҳоятда кўп келиб, билет етишмагани ва жой йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди. Ибратхонанинг борлиқ ўрни 320 нафарга кифоя қилар эди. Яна эллик нафар ўрин ҳозирланган бўлса ҳам кифоя этмади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> *Дўстқораев Б.* “Падаркуш”нинг ғаройиб саргузаштлари, - Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002 йил 11 январь.

<sup>2</sup> Кўчирма адабиётшунос Шерали Турдиевнинг “Маҳмудхўжа [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Бу сўзларга изоҳ тарзида айтиш жоизки, Бехбудий томошабинларнинг миллий спектаклга бўлган фавқулодда катта қизиқишидан маърифий ишларни ривожлантириш мақсадида фойдаланмоқчи бўлди. Асарнинг 7 май куни бўлиб ўтган иккинчи намоишида, “Ойна” журналининг хабар беришича, билетлар сотилишидан 384 сўм 50 тийин йиғилиб, шундан 184 сўм 50 тийин спектаклга сарфланган харажатга кетган. Қолган 200 сўмдан 110 сўми мактаб ислоҳига, 35 сўми Жамбойдаги Бозорамин Ҳодихўжа таъсис этган ва муаллим мулла Комил идорасидаги мактабга, 15 сўми Бухорий қишлоғидаги мулла Жўрабой мактабига, 15 сўми “городской училишче”да таҳсил олаётган мусулмон болаларга, колган 35 сўми эса мулла Абдуқодир Шакурий мактабига ажратилган. “Кўринадики, - деб ёзади адабиётшунос Шухрат Ризаев, - даромаднинг сўнгги тийинигача, ҳатто ошиғи билан фақат ва фақат маърифий ишларга сарф бўлган. Демак, Туркистондаги илк театр труппаларини, шу жумладан, Самарқанд труппасини ҳам ҳозирги давлат таъминотидаги труппалар каби тасаввур этмаслик керак. Бу кўнгилли ёшларнинг ишонч-ақидалари юзасидан ўз ҳаловатларидан кечиб амалга оширган саъй-ҳаракатлари, оврупоча театр санъатини тарғиб этиш йўлидаги интилишлари бирлаштирган ижодий-маърифий жамоалар эди»<sup>1</sup>.

Самарқандда ҳам, Тошкентда ҳам асардаги барча роллар маҳаллий маърифатпарвар кишилар томонидан ижро этилди. Бу, ўзбек жадидларининг ва, умуман, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг тантанавор кунлари эди. Кўп ўтмай, “Падаркуш” турли театр труппалари ижросида бутун республикани айланиб чиқди.

Бугунги томошабин ва китобхон учун биринчи ўзбек драмаси ибтидоий асар бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳали

---

Бехбудий” мақоласидан олинди. – Қаранг: Фидойилар. Тошкент: Фан, 1990. – Б.7.

<sup>1</sup> Шухрат Ризо. “Падаркуш” ёхуд Самарқанд тарихидан лавҳалар, - “Ватан” газетаси, 1994. 39-сон.

замонавий театр санъатидан яхши хабардор бўлмаган томошабинлар учун “Падаркуш”нинг 1914 йилдаги намоишлари афсонавор воқеа эди. Ўзбек маданияти тарихида янги санъат – театр санъати туғилган эди. Бехбудий ва унинг сафдошлари матбуот орқали бу янги санъатни кенг тарғиб қилишга киришдилар. Бехбудий театрга бағишланган қатор мақолалар ёзиб, бу санъатнинг аҳамиятини бундай тушунтирди:

“Теётр нимадур? Жанобиға теётр ибратнамодур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, карқулоқсизлар эшитиб асарланур. Хулоса: теётр ваъз ва танбиҳ этувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аён кўрсатгувчидур. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргувчидир”<sup>2</sup>.

Бу таъриф Бехбудийнинг театр санъатига қандай катта умид ва юксак тасаввур билан муносабатда бўлганидан, бу санъат ёрдамида халқ ва жамият ҳаётидаги иллатларни супуриб ташлаб, улар ҳаётини янгилаш ва яхшилаш мумкинлигига ишонганидан ва, эҳтимол, яна янги сахна асарларини ёзмоқчи бўлганидан дарак беради. Аммо тақдир Бехбудийга бу қутлуғ ниятларнинг амалга ошишида фаол иштирок этиш имконини бермади. Лекин “Падаркуш” таъсирида ўтган асрнинг 10-йилларида ўнлаб сахна асарлари майдонга келди, драматурглар сафи Насрулла Қудратилла, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин, Абдулла Авлонийлар ҳисобига кенгайди. Ва кўп ўтмай, улар сафига Ҳамза, Фитрат ва Чўлпон сингари забардаст драматурглар келиб қўшилдилар.

### **Жадид адабиётининг муҳим соҳаси**

Шу нарса ғаройибки, шоҳнинг душмани шоҳ, гадонинг душмани гадо, деганларидек, “Падаркуш” мпектаклини Самарқанднинг ўша йиллардаги барча зиёлилари ҳам катта

---

<sup>2</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Б. 174.

мамнуният билан қабул қилдилар, деб бўлмайди. Аслида, мусулмон миллатига мансуб халқларни эллик йил давомида маърифатдан четда ушлаб турган чор ҳукумати Туркистонда театр санъатининг туғилишига, бинобарин, “Падаркуш”нинг саҳна юзини кўришига қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди. Аммо чор оҳранкаси бу маданий воқеада Россиянинг давлат манфаатларига зид бирор нарсани кўрмади.

1917 йил 7 февраль куни “Шахрисябзский” лақабли хуфялардан бири чор оҳранкасига бундай махфий маълумотни берган:

“Бундан уч-тўрт йил илгари Самарқандда сарт лаҳжасида нашр этилаётган “Ойна” журналининг муҳаррир-ношири Бехбудий “Отасининг қотили” маъносини англлатувчи “Падаркуш” деган пьесани сарт лаҳжасида ёзган эди.

Бехбудий, йўналишига кўра, тараққийпарвар-миллатчи бўлиб, Туркияда таълим олган кўринади.

“Падаркуш” пьесасида эски усулдаги тип (консерватор) саҳнага олиб чиқилган, у болалари руслашиб, кофир бўлиб кетмасликлари учун уларнинг маълумотли бўлишларини истамайди ва уларнинг кофир бўлиб кетишидан кўрқади. Сарт айтадики, мен бутун умр бўйи яхши яшаб, бойлик орттирдим ва шу бойлик болаларимнинг эмин-эркин яшашлари учун бемалол етади.

Зикр этилган сартнинг болалари савдо ишлари юзасидан руслар билан доимий муомалада бўлганликлари учун ҳар қалай русча сўйлашишни ўрганиб олишган, шу билан бирга улар руслардан, худди ёввойи ва қип-қизил саводсиз кишилардек, ичкилик ичишни ҳамда рус аёллари билан ишрат қилишни ҳам ўзлаштириб олишган. Охир-оқибат бир куни маишат учун ёш сартларнинг пуллари етмай қолиб, оталарининг пулларини ўғирлаш учун янги танишларидан бири билан боришган. Ота сандиқнинг очилган овозидан уйғониб кетгач, ўлдирилган, айбдорлар эса қамоққа олинган.

Хотимада сартларнинг ўсиб бораётган авлоди таълим олмай

қолишининг салбий томонлари тўғрисида монолог берилган...

...Пьеса мазмуни кекса сартларга ниҳоятда ёқмаган ва улар спектаклни қўювчиларни “падаркушлар” деб аташган...”<sup>1</sup>.

“Шахрисябский”нинг бу хуфяномаси сўнгги йилларда илмий-оммабоп адабиётда учраётган “падаркушлар”нинг кимлар эканлиги масаласига аниқлик киритади. Айрим тергов материалларидан илмий-оммабоп китобларга кўчиб ўта бошлаган “падаркушлар” 1917 йил арафасида пайдо бўлган сиёсий партия аъзолари эмас, балки, “Шахрисябский” талқин этганидек, “Падаркуш” спектаклида артист ёки ташкилотчи сифатида иштирок этган кишилардир.

Самарқандда Бехбудий асарини найза билан қарши олган ва спектаклда иштирок этганларни “падаркушлар” деб ҳисоблаган кишилардан бири... таниқли шоир ва мударрис Саидахмад Васлий эди. У “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 83-сонида чоп этилган “Шариати исломия” сарлавҳали мақоласида театрни ҳаром деб эълон қилади. “Ойна” журнали эндигина туғила бошлаган театр санъатига нисбатан бундай хато ва зарарли муносабатни мутаассиблик намунаси сифатида баҳолаб, унга кескин зарба беради.

“Падаркуш”нинг турли шаҳарлардаги “премьера”ларидан сўнг кўп ўтмай, Биринчи жаҳон уруши ўт олди. Янги тарихий давр Бехбудий олдига янги вазифаларни қўйди. Адиб назарида, у энди бутун кучини матбуотга бағишлаши, матбуот орқали ватандошларининг онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатиши, тўғрироғи, улар онги ва дунёқарашининг шаклланишига ёрдам бериши лозим эди. Шунинг учун ҳам Бехбудий 1913-1914 йиллардан бошлаб асосий эътиборини матбуот масалаларига қаратди.

Шубҳасиз, Бехбудий шу йиллардан аввал ҳам Туркистон, Кавказ, Қрим ва Татаристонда нашр этилган газеталарда публицистик мақолалари билан иштирок этган. Ҳожи Муиннинг

---

<sup>1</sup> Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Биринчи китоб. – Тошкент, 2009. – Б.27.

хабар беришича, у муаллиф сифатида қатнашган газета ва мажмуалар сони 18 та бўлган. Ҳожи Муин мазкур 18 та нашрни санар экан, улар орасида “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Тужжор”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Осиё”, “Турон”, “Хуррият”, “Нажот”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Улуғ Туркистон” сингари маълум ва машҳур газеталардан ташқари, “Таржимон”, “Вақт”, “Шўро”, “Улфат”, “Иршод”, “Тоза ҳаёт” сингари нашрлар ҳам бўлганини айтган. Афсуски, беҳбудийшунослар адибнинг шу рўйхатдаги аксар газеталарда эълон қилинган мақолаларини ҳали тўплаб, нашр этиб ва ўрганиб улгурмаганлар.

“Бу 18 газета ва мажмуаларда, - деб ёзади Ҳожи Муин, - Беҳбудийнинг икки юзга яқин мақоласи босилгандурким, улар бир ерга тўпланғонда 5-6 юз бетлик бир китоб бўлур. Беҳбудийнинг мазкур газета ва мажмуаларда босилғон мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилғон бўлуб, ҳануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастур ул-амал бўла турғон фойдалиқ сўзлардур”<sup>1</sup>.

Агар Беҳбудий XX аср бошларида, аниқроғи, 1905 йил воқеаларидан кейин даврнинг долзарб ва муҳим мавзуларида мақолалар ёза бошлаган бўлса, 1913 йилга келиб, ўзи “Самарқанд” деган газетани чиқаришга аҳд қилади Бу газета, Ҳожи Муиннинг гувоҳлик беришича, Самарқанд маърифатпарварларининг моддий ёрдами билан 1913 йил апрелида Беҳбудий муҳаррирлигида чоп этила бошлайди. Ҳафтада икки марта чиққан мазкур газета дастлаб икки бетли, 3-8-сонидан бошлаб эса тўрт бетли бўлиб, 400-600 нусхада тарқалган. Чор ҳукуматининг таъқиб ва тазйиқи ҳамда моддий жиҳатдан қийналганлиги сабабли 44-сонидан кейин тўхташга мажбур бўлган.

Халқ ўртасида янги фикрлар тарқата бошлаган газетанинг ёпилиши ёшларга қаттиқ таъсир қилди. Улар таҳририятга хатлар ёзиб, газетани чиқаришда давом этишни илтимос қилдилар. Қўқонлик ёшлардан Ақобир Шоҳмансур ўғли билан Мирзоҳид

---

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Б. 27.



Оқилий газета нашрининг давом этиши учун 500 сўм ҳажмида иона юборишлари ва 200 нусхага обуна бўлишларини маълум қилдилар. Улар илтимосига биноан Бехбудий газетанинг 45-сонини бир бетли қилиб чиқарди. Қолган озгина сармоя билан 1914 йил августида “Ойна” ҳафталик журналинини нашр этишга киришди. 20 ой фаолият кўрсатган ва шу давр мобайнида 68 сони чиққан “Ойна” Туркистондан ташқари, Татаристон, Кавказ, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Мисрга қадар тарқалиб, ўзбек матбуоти тарихида чуқур из қолдирди. Бехбудий ва бошқа жадидларнинг “Ойна” саҳифаларида эълон қилинган, шеър, хабар ва мақолалари Туркистон халқларининг миллий уйғонишида муҳим роль ўйнади.

“Ойна” журналининг 1914-1915 йил сонларини варақлаган киши Бехбудийнинг рангба-ранг мавзуларда қалам тебратганини кўради. Аввало шуни айтиш жоизки, “Бехбудия” кутубхонаси, “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналинини ташкил этиш жараёнида Бехбудий чарчаб, сиҳат-саломатлиги бир оз заифлашган эди. Шунинг учун у 1914 йилнинг 29 майида иккинчи марта саёҳатга чиқиб, араб мамлакатларини айланиб келади. Адибнинг шу сафардан олган таассуротлари “Ойна” журналининг бир неча сонларида босилади. Биз бу “Сафар хотиралари” билан танишар эканмиз, Бехбудийнинг турли-туман кишилар билан бўлган учрашувлари, Туркия ва Арабистон мамлакатларидаги у бўлган маърифат масканлари, меъморий обидалар кўз олдимиздан кино тасасидек ўтгандек бўлади. Мана, у пароходда яхудий ва рус миллатига мансуб кишилар билан кетар экан, яхудий ҳамроҳлардан бири бундай дейди:

- Туркистон – эски дунёнинг Америкаси. Пахта, маъдан, ғалла, хуллас, ҳар нарса бор. Туркистон олтиндир. Агарда Русия ҳукумати монелик қилмаса, барча мулкимни сотиб, пулига Туркистондан ер олиб, деҳқончилик қилардим. Олтин бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим. Аммо на чора, Русия қонунлари биз, яхудийларнинг бу орзуларимизнинг рўёбга чиқишига имкон бермайди.

Бехбудий унинг сўзларини тинглаб, ўзича: “Рус ҳукуматига раҳматким, бунга имкон бермайди. Акс ҳолда биз, ўзбеклар, ватансиз қолиб, дарбадар бўлиб кетармидик”, дейди.

“Сафар хотиралари”даги шу лавҳанинг ҳайратланарли томони шундаки, Туркистоннинг жаннатмонанд ватан эканини билган яҳудий агар шу ердан кичик бир ерни сотиб олса, миллионер бўлиб кетишини яхши билган. Туркистондан ер сотиб олиб, шу ерда яшаб, “ердан олмос кўтариш”ни орзу қилган. Аммо Бехбудий маҳаллий халқнинг, мазкур яҳудийдан фарқли ўлароқ, “эски дунёнинг Америкаси”да яшаб туриб, унинг бойликларидан, моддий имкониятларидан фойдалана олиш имкониятига эга эмаслигидан, бунга ҳуқуқи ҳам, билими ҳам йўқлигидан ўпкаланади.

Бехбудий нафақат маърифатпарвар педагог ва адиб, балки журналист сифатида ҳам Туркистон аҳлининг басират кўзларини очишга интилди, ўзининг ва бошқа халқларнинг тарихини билмай, XX аср учун, айниқса, зарур бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни, илғор халқларнинг тилларни эгалламай туриб фаровон яшаши, эрк ва ҳурриятга эришиши мумкин эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди. Агар унинг шу йилларда ёзган мақолаларига чуқур назар ташласак, ана шу фикр-ғоя бу мақолалар оша “қизил ип” бўлиб ўтиб турганини кўрамыз.

Бехбудийнинг “Танланган асарлар”ида эълон қилинган “Туркистон”, “Шердор мадрасаси”, “Туркистон тарихи керак”, “Эҳтиёжи миллат”, “Бизни ҳоллар ва ишлар», “Жаҳолат дардларидан”, “Бизни кемирувчи иллатлар”, “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Ёшларга мурожаат”, “Муҳтарам ёшларга мурожаат” сингари мақолаларнинг сарлавҳасиёқ уларда нима ҳақида баҳс юритилганидан дарак беради.

Бехбудий яшаган йилларда ё рус-тузем мактабларида таълим олганлари, ёки руслар билан савдо ишларида иштирок этганлари, ёхуд бошқа бирор баҳонаи сабаб билан рус тилини билган ёшлар пайдо бўла бошлаган эди. Бехбудий умид кўзларини ана шу ёшларга ва уларнинг бошқа тенгдошларига

қаратиб, бундай ёзади:

“Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндирки, макотиб (мактаб) – тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмағунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас... “Муборизи ҳаёт” (ҳаёт учун кураш) майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила оҳири маҳв ва нобуд бўлуб кетар.

...ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясига ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва акмолиға (етук бўлишига) аҳамият беруб, болаларини миллий ва диний руҳда мукамал суратда етишдурурлар. Анинг учундирки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётға молик бўлуб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муаддал (тенг) тутарлар”<sup>1</sup>.

Бехбудий янги авлод янги тарихий давр талабларига жавоб бера оладиган авлод бўлиб шаклланиши, ота-боболари бой берган эрк ва хурриятни, Ватанни қайтариб олишлари учун улар тарбиясига катта эътибор беришни зарур, деб ҳисоблаган. У шу мақсадда ёш авлоднинг нафақат ҳар томонлама билимли, маданиятли, балки диний кадриятларга содиқ авлод бўлишини ҳам истайди. Зеро, дин, ислом динига эътиқод ёшларнинг ўша йилларда ўз миллий хусусиятларини, ўзлигини сақлаб қолишларида қалқон вазифасини ўташи лозим эди.

Бехбудий ёшларнинг “ибтидоий тарбия”сига эътибор берибгина қолмади. Пиравард мақсади маърифат орқали мустақилликка эришиш бўлган адиб Давлат Думасига аъзо, суд идораларида адвокат бўлиб, ўз халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қила биладиган кишиларни, фан ва маданият, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди. У “Эҳтиёжи миллат” деб номланган мақоласини бундай сўзлар

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Б. 176-177.

билан тугатган эди:

“Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда диний ва замонавий бир “пансиун” лайли (кечки) ва баҳори (кундузги) 5 мукамал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тарбиялайдур.

Ўн йилда булардин... 200 муҳандис, дўқтур, ҳуқуқшунос, муаллим, техник, замона тожири (савдогар), валлоҳ (Худо хоҳласа)... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни ҳасан (яхши) имтизожларимизга (бирикишимизга) хизмат қиладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шунини кўз тутар, халойиқни барбод эта турғон тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушуна турғон бойлар бизда етушганми?”<sup>1</sup>.

Барча жадидларни ўйлантирган халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ бу масала Беҳбудий ижтимоий-сиёсий қарашлари марказида туради. У шу масалани ҳал этмасдан туриб, Туркистон халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкин эмаслигига амин бўлган. Шунинг учун ҳам у “миллат” ва “диёнат” сўзларини худди эгизак сўзлардек бирга ёзиб, бойларни инсофга, халқ ва мамлакат тақдири йўлида азият чакишга даъват этган.

Хуллас, юрт қайғуси, миллатнинг бугунги ва эртанги тақдири ҳақидаги фикрлар Беҳбудий ижтимоий-сиёсий мақолаларининг қаймоғи – квинтэссенциясини ташкил этади.

## **Ижтимоий силсилалар гирдобида**

Россияда 1917 йил Февраль инқилобининг рўй бериши Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараённи тезлаштириб юборди.

“Инқилоб даврида муфти Маҳмудхўжа, - деб ёзган эди Ҳожи Муин, - Жаҳон муҳорабасининг сўнгги йилларинда асабий хасталиги шиддатланиб, ишлай олмайдиган бир ҳолга келиб эди.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.201.

Февраль инқилоби билан яна янги руҳ, янги қувват олиб ишга киришди”<sup>1</sup>.

Февраль инқилобининг рус империясини ларзага келтириб, Россияда уч юз йил ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласини тарих саҳнасидан қувиб чиқариши лоқайдлик ва умидсизлик ҳолатида яшаётган Бехбудийни уйғотиб юборди. У яна Самарқанднинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади ва Самарқанд мусулмонлар ижроия кўмитасининг иккинчи раиси этиб тайинланди. У шу лавозим тақозоси билан ҳатто Бухорога бориб, тараққийпарвар кучларга муайян ҳуқуқлар берган амирни табриклар келди. Лекин амирнинг бу манифести Бухоро жаҳидларини ҳам, афкор оммани, шу жумладан, Бехбудийнинг ўзини ҳам алдашдан ўзга нарса эмас эди.

Аммо давр ўзгариб, ижтимоий ҳаёт саҳнасида янги-янги кучлар пайдо бўла бошлади. Шундай кучлардан бири Мухторият дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни 1917 йил августида “Кенгаш” газетасида эълон қилди. Бу лойиҳа Туркистондаги таниқли сиёсий арбоблар, ҳуқуқшунослар ва уламолар иштирокида тузилган бўлиб, улар орасида Бехбудий ҳам бор эди.

Аммо Туркистон ўлкасини демократик янгилаш ғояси мутаассиб ва қолоқ фикрли кишиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Мусулмон жамияти мазкур кураш натижасида икки гуруҳга ажралиб кетди. Бу, большевикларнинг яқинлашиб келаётган инқилоблари олдида фожиавий ҳолатни вужудга келтирди. Кўп ўтмай, большевиклар Тошкентда ҳокимиятни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Миллатнинг тараққийпарвар кучлари 1917 йилнинг 26 октябрида Кўқонда тўпланиб, Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойини ўтказдилар. Бир неча кун давом этган қурултой Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилди. Қурултойда ҳукумат аъзоларидан ташқари, Халқ мажлиси аъзолари ҳам сайланди. Мазкур аъзолар орасида Бехбудий ҳам бор эди.

---

<sup>1</sup> Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик, - Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 135..

Туркистон Мухторият ҳукуматининг ўрнатилиши Бехбудийнинг кучига- куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. “27 ноябрда Хўқандда, - деб ёзди у “Туркистон мухторияти” сарлавҳали мақоласида, - Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездиға эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлиши учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!”

Чор мустамлакачиларининг ворислари бўлмиш большевиклар Туркистон Мухторият ҳукуматининг ўрнатилганидан мутлақо манфаатдор эмасдилар. Буни яхши билган Бехбудий “Бизга ислоҳ керак”, “Ҳақ олинур, берилмас!”, “Қозоқ қардошларимга очиқ хат”, “Ёшларга мурожаат” сингари публицистик мақолалар ёзиб, тараққийпарвар миллий кучларни бирлашишга ва Туркистон Мухторият ҳукуматини ҳимоя қилишга даъват қилди. Лекин кучлар тенг эмас эди. 1918 йилнинг 19 февраль куни Туркистон ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги яхши қуролланган қўшин Қўқонни 12 замбаракдан ўққа тутиб, Мухториятни ҳам, Қўқони латифни ҳам қонга ботирди.

Бу, Бехбудий орзу-умидларининг яна бир бор пайҳон этилиши эди.

1918 йилда Бехбудий “Иттифоқ” жамиятининг саъй-ҳаракати билан мусулмон маориф шўъбасига мудир этиб тайинланади. Лекин маориф шўъбасига ўрнашиб олган европалик кимсалар мусулмон маорифи учун муҳим бўлган барча масалаларни Бехбудийсиз ҳал қилишда давом этадилар. Бехбудий истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Осипов кўзғолони воқеасидан сўнг Самарқандда талон-торож бошланиб, ноҳақ қамоққа олишлар авж олди. “Катта тазминот (товон, йўқотиш) ларни халқ тахаййул қила олмасдан, - деб ёзади Ҳожи Муин, - ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоятда тазийққа тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. “Шу ишларга бирор чора тополурманми?” деб Маҳмудхўжа 1919 йил февраль ойинда

Тошкандға борди. Лекин бу сафариндан ҳеч бир натижа қўлга киргузолмади. Шундан сўнгра...”<sup>1</sup>

Шу ерда Ҳожи Муиннинг сўзларини бўлиб, Садриддин Айнийнинг Бехбудий тўғрисидаги қуйидаги хотираси билан танишсак:

“1919 йил февраль ойинда Тошкентға бориб қайтди. Мактаб проғрамма ва Тошкентдаги илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништирамоқ учун муаллимлар мажлисини чақиришға буюрди. Лекин ўз ҳолатининг хилофинча ушбу мажлисга келмади. Шундан кейин кўчада кўришуб, мазкур мажлисга нима учун келмаганини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса, кела олишини сўрадим.

Ҳозир бир оз хастаман. Кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман, деди. Мана бу охириги кўришимиз бўлди”<sup>1</sup>.

Бехбудийнинг ўз одатига хилоф равишда муаллимлар билан учрашувга бормаслигининг сабаби Тошкент сафарининг бирор натижа билан тугамаганида эди. У Тошкентда ҳам, худди Самарқанддагидек, ҳамма нарсага ўзга юртлардан келган кимсаларнинг раҳбарлик қилиб, маҳаллий кадрларни сариқ чақага олмаётганини кўрди. Унинг қалбида Февраль инқилоби ва Туркистон мухторияти туфайли уйғонган умид ниҳоллари ҳали яшил барглар ёзиб улгурмасдан хазон бўлган эди. Бу ҳол айни пайтда унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатган эди.

Бу ўзига хос “лирик чекиниш”дан сўнг яна Ҳожи Муиннинг хотирасини ўқишда давом этсак: “Шундан сўнгра ҳеч бир кишиға онглатмасдан маслакдош ва фикрдошлари мулла Мардонқул Шохмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан 25 март ойинда 1919 йил асрорангиз бир суратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин буларнинг Қарши йўли билан сафарға чиққанлари, Қарши шаҳридан Бухоро ҳукумати тарафиндан ушланиб ҳибсга олинғонлари, ҳатто шаҳид

---

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Муфти Маҳмудхўжа ҳазратлари ким эди. – Китобда: Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Б. 136.

<sup>1</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988 йил 15 апрель.

бўлғонликлари шойиъ бўлди. Шундан сўнгра мухталиф (хилма-хил) хабарлар кўп эшитилди. Лекин расмий суратда на ҳаётлари, на момотлари собит бўлмади. Шунинг ила баробар Самарқанд аҳолиси буларнинг шаҳид ўлғонликларини занни (тахмин) ила инониб маросими таъзия ва қадрдонишини ёд этмоқчи бўлди”<sup>1</sup>.

### Сирли ўлим

Ҳожи Муиннинг “Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлғонлиғи ва онинг томонидан ёзилган “васиятнома”нинг 1988 йил 16 сентябрда Шерали Турдиев, 1993 йилда эса Ж.Худойбердиев томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги ҳамда “Миллий уйғониш” (1993) тўпламида қайта эълон қилиниши билан яна Бехбудий ўлимининг 1922 йилдаги “Инқилоб” журнали версияси адабий жамоатчилик ўртасида бирдан-бир ҳақиқат сифатида яшай бошлади. Бу версияга кўра, “Бехбудий афанди ва йўлдошлари Шаҳрисабзда қўлга тушиб, тахминан икки ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда (зиндонда) бир неча кун ётқондан кейин шаҳид қилинғон”.

Ҳожи Муиннинг ёзишича, 1921 йилнинг март ойида “Бухоро тупроғи”дан келган Ҳожимурод Худойберди ўғли Бехбудийнинг йўлдошлари Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғли ва Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан бирга Қарши шаҳрида Қаршибеги Тоғайбек томонидан шаҳид этилгани ҳақида маълумот олиб келган. Бу маълумотга кўра, Қарши беги Бехбудий ва йўлдошлари қўлга тушганларидан сўнг уларни чақириб: “Сизлар нима учун қўлга тушдингиз?” деб сўраган. Бехбудий Байтуллони зиёрат этиш мақсадида Самарқанддан чиққани, аммо йўлда амир маъмурлари томонидан “жадид, кофир ва тилчи (жосус)” сифатида қўлга олинганларини айтган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, гўё амирдан қатл буйруғи келган ва Қаршибеги шу буйруқни бажарган.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Саидов Ҳалим. Маърифат либосидаги озодлик. – Б. 136-137.



Ҳожи Муиннинг ёзишча, Бехбудийнинг фожиали ўлими тўғрисидаги мазкур хабар 1921 йилнинг март ойида келган. Аммо Фитрат, Чўлпон ва С.Айнийнинг Бехбудий вафотига бағишланган шеърлари 1920 йилда ёзилган. С.Айний ҳатто бир шеърининг ёзилган санасини «1920, 1У», деб аниқ қайд этган. Демак, айтиш мумкинки, Бехбудийнинг содиқ дўстлари ва издошлари устоз ҳалок этилганидан бир йил ўтгач, 1920 йилнинг апрель ойида хабар топганлар. Улар шу вақтнинг ўзиданоқ Бехбудий ўлими сирларини билишни, унинг жасади қаерга дафн этилганини аниқлашни шогирдлик бурчи, деб билганлар. Фитратнинг ўз шеърини “Бехбудийнинг сағанасини изладим” деб номлаши тасодикий эмас. Аммо бу шеърни ўқир эканмиз, шоирнинг устоз сағанасини топган-топмаганлиги тўғрисида аниқ фикрни учратмаймиз. Лекин шеърнинг қуйидаги сўнгги сатрлари бизни ўйлашга мажбур қилади:

*...Бир дарак топмағоч, бирдан бир тикилди,  
Бор кучин тўплади,  
Золимнинг тахтини титратган бир товуш  
Қичқирди:  
- Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!  
Бот сўйла!..  
Кирли тож кўб кўрқди ботир товушдан,  
Сесканиб, титраб... ёшунди  
Бир жавоб бермасдан<sup>1</sup>.*

Бу сатрлардаги “золимнинг тахти”, “кирли тож” сўзлари кимга қаратилган? “Бухоро инқилоби” ҳали содир этилмагани, Фрунзе бошчилигидаги қизил кўшиннинг Бухоро амирлигини тор-мор этиш режаси эса ҳали шаклланиб улгурмагани учун Фитрат бу сўзларни ёзганида, хоҳлаймизми ё йўқми, амир ва

---

<sup>1</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент, 2000. – В. 40.

амирликни назарда тутган бўлиб чиқади. Бехбудий вафоти 7 йиллигининг кенг нишонланиши, шўро матбуотида Бехбудийга бағишланган кўплаб мақолаларнинг эълон қилиниши, Самарқанд театрида бу “аср фожиаси” ҳақида ҳикоя қилувчи “Маърифат қурбонлари” спектаклининг намойиш этилиши, ниҳоят, 1926 йилда эса Қарши шаҳрига Бехбудий номининг берилиши Шўро давлатининг Туркистон жадидлари отасига катта ҳурмат билан қараганини англатади. Бу фактлар: “Бехбудий ким томонидан ўлдирилган?” деган саволга узил-кесил жавоб бергандек бўлади.

### **Бехбудий қаерга бормоқчи бўлган?**

Бехбудийнинг Қаршибегига Байтуллони зиёрат этиш мақсадида сафарга чиққани тўғрисидаги сўзлари тутқунликка учраган кишининг вазиятдан чиқиш учун топган баҳонасидан бошқа нарса эмас. Агар Бехбудий шу мақсадда ёки бошқа бир номахфий иш юзасидан сафарга чиққанида Самарқандда қолган “ўртоқлари Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қори ва Ақобир Маҳдум”га, «ўғлонлари Вадуд Маҳдум, Абдулқодир Шақурий”га бу ҳақда айтган, жилла қурса, бу кишилардан ақалли бирортаси унинг қаерга ва нима мақсадда кетаётганидан хабар топган бўларди.

Бехбудийнинг қаерга ва нима мақсадда бормоқчи бўлгани ўша вақтда адибнинг маслакдош рафиқларини ҳам, ғоявий рақиблиларини ҳам баравар қизиқтирган. Хусусан, Ҳожи Муин шу ҳақда мулоҳаза юритиб, “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1920 йил 8 апрель сонидан бундай ёзган:

“Муфти Маҳмудхўжа ва рафиқлари сафарининг сири ва асбоби ҳеч кимга маълум бўлмади. Булар бу сафардан мақсадлари нима эканлигини ҳеч бир кишига англатамағонлар. Бу тўғрида халқ оғзига тахминий кўп сўзлар тушди: “Булар ҳажга борар эмишлар”, ё “Булар Ҳиндистонга бориб инқилоб қилар

эмишлар”, ёки “Булар большевиклар тазйиқидан қочмишлар” каби...

Ўзимнинг хусусий фикримча, бундай бўлса керак. Большевиклар исминдан Самарқандда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида кўб тартибсизликлар бўлди. Баъзи бир ишларни муфти Маҳмудхўжа Бехбудий маҳаллий ҳукуматга ё Тошкандга боруб, маъруза бериб, ислоҳ қилдируб келди. Осипуф воқеасидан сўнгра ҳеч ким ҳеч бир нарсани тингламайдурғон бўлди. Шўролар ҳукуматининг ҳақиқий пружроми ва Москванинг хато ҳаракати Маҳмудхўжа ва Мардонқулларга маълум эди. Эҳтимол булар Москвага бориб, Туркистоннинг фожиали ҳолатини марказ ҳукуматга маъруза қилиб, ислоҳотни ражо қилмоқчи бўлсалар. Ўрунбург йўли боғлиқ бўлғони сабабли Қарши чўли устиндан Қофқозга ўтиб Москвага бормоқчи бўлсалар, (бу) зотларни танийдурғонга маълумдурки, булар ҳақ ва юрт манфаати учун ҳар бир таҳликани кўзга оладурғон эрлар эдилар. Ҳар ҳолда бизнинг бу фикримиз бир зани ва тахминдур”<sup>1</sup>.

Бехбудий, юқорида айтиб ўтганимиздек, 1918 йили Мусулмон маориф шўъбасига мудир, ўша йилнинг 9 майида эса маориф комиссари этиб тайинланган. Шу вақтда у мазкур лавозим тақозоси билан Самарқанддаги мактабларга тез-тез ташриф буюриб, бу мактаблардаги мажлисларда фаол иштирок этган. Лекин шовинизм оғуси билан заҳарланган кимсалар Бехбудийни назар-писанд қилмай, унга нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлганлар. Осипов кўзғолонидан кейин эса Самарқандда ноҳақлик авж олиб, ўзбек халқининг маданий-маърифий ва диний кадриятлари оёқости қилинган.

Шу йилларда Туркистоннинг мустақиллиги йўлида кураш олиб борган зиёлилар, бир томондан, Англия, иккинчи томондан, Туркия сингари давлатлардан ҳарбий ёрдам олмоқчи бўлганлар. Ўз навбатида, Туркистоннинг Россия тасарруфидан чиқиб кетишини истаган ва бундан манфаатдор бўлган давлатлар ҳам ўлкадаги мухолиф гуруҳлар билан алоқа ўрнатишга интиланлар.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Б. 135-136.

Бехбудийнинг 1919 йил февралда Тошкентга келиб кетиши ҳам, бизнингча, ана шу ҳар икки томоннинг бир-бири билан яқинлашиши йўлидаги саъй-ҳаракат эди. Бинобарин, унинг мақсади манфаатдор хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатиш, улардан ҳарбий, моддий ва маънавий ёрдам олиш эди.

Бехбудий, тахминимизга кўра, шу сафар чоғида Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этган маслакдош биродарлари билан учрашган. Улар икки гуруҳга ажралиб, Бехбудий бошчилигидаги бир гуруҳ Самарқанддан, Мухторият ҳукуматининг ҳарбий нозири Убайдулла Хўжаев ва таниқли маърифатпарвар Саидносир Миржалиловдан иборат иккинчи гуруҳ эса Тошкентдан махфий равишда йўлга чиқиб, Бокуда учрашиш ҳақида келишиб олганлар.

С.Миржалиловнинг сирли равишда ғойиб бўлишидан хавотирга тушган оиласи аъзолари унинг ёр-дўстларига хат орқали мурожаат этиб, улардан оталари ҳақида маълумот беришни сўрашган. С.Миржалиловнинг ёш дўсти Ҳамза номига ёзилган хатлардан бирида бундай дейилади:

“Ҳурматли Ҳамза, Сиз бир хат ёзиб киргизгансиз: “Саидносир уйига келган”, деб. Ул бекор гап. Ҳар одам ҳар турли сўзлар суйли. Агар ул келган бўлса, бизлар Қўқонга ҳам Тошкентга одамлар юбориб ўтирар эдикми? Ҳамма душинмай, бизнинг устиндан инидийгина сўз сўзламай. Бизла шул сўзга қараб ўлмай, тирик ўтирамыз. Ҳеч бир хабар эшитмай, кўзимиздан қон-ёш тугуб, куни-туни хафа турамыз. Агар тирик бўлуб Носир келган бўлса, Сиздан қочурмаёқ қуяр эдик, чунки Сизни душман деб ўтирганимиз йўқ... Қони ул тирик бўлуб, олдимизга келса. Бизлар они кўзимиз билан кўрсак, худога минг шукрлар қилсак-да, оз бўлур”<sup>1</sup>.

Маълум бўлишича, С.Миржалилов шу вақтда Бокуга етиб бориб, Бехбудийнинг келишини кутган. Бехбудий белгиланган вақтда келавермагач, у ташвишланиб, Бухоро ва Самарқанддаги

---

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳакимзода архивининг каталоги, 2-том. – Тошкент, 1991 йил. – В. 309.

биродарларига хат орқали мурожаат этган.

С.Миржалилов 1925 йил 20 декабрда бўлиб ўтган тергов пайтида шу ҳақида бундай сўзларни айтган:

“Кўқон Мухторият ҳукумати тарқатилганидан кейин мен Халқ кенгаши аъзоси ва (Мухториятнинг) хазиначиси сифатида яширинишга мажбур бўлдим. Дастлаб Туркистондаги уйимда яшириниб яшадим, кейин Тошкентга келиб, Куропаткин кўчасидаги уйимда истиқомат қилдим... Тошкентда кўп бўлмай, Красноводск орқали Кавказга бордим. Бу воқеа тахминан 1918 йилнинг мартада рўй берган.

Кўқон мухториятининг бошқа қатнашчиси – Мустафо Чўқаев эса Россияга борди, Обиджон Маҳмудов ҳам худди шундай йўлни тутди. Мен бўлсам, Красноводск орқали тўппа-тўғри Астрахонга бориб, у ердан Москвага йўл олдим. Мен у ерда Маҳмудовни учратиб, у билан битта меҳмонхонада турдим... Маҳмудов ўзининг савдо ишлари билан машғул бўлди. Убайдулла Хўжаевнинг қаерда яшаётганини билмас эдим. Кейин ўзидан эшитсам, Тошкентда яшириниб яшаган экан.

Мен Москвадан Киев ва Одесса орқали Истанбулга бордим. Истанбулга борганимда, 1918 йилнинг ёз ойлари бўлиб, шу пайтда ҳокимият тепасида Анвар пошо турарди. Мен меҳмонхонада яшадим. Ўша вақтда Истанбулда Нуриддинбек Худоёрхонов, Ғози Юнусов (татар) ҳам ўша ерда эдилар. Мен Истанбулда эканимда Садриддинхон ҳам келди, бир ўзи. Шерали Лапинни ҳам, Нуриддинхўжа Мусабоевни ҳам у ерда кўрмадим. Мен ўша сафар чоғида Истанбулда бир неча ой яшаб, кейин Ботум орқали инглизлар босиб олган Бокуга қайтиб келдим...»<sup>1</sup>

С.Миржалилов ва унинг юқорида номлари зикр этилган маслакдошлари большевиклар тазйиқидан қочиб эмас, балки уларга қарши курашни бошқа бир жабҳада давом эттириш ва хориждан мадад олиш мақсадида Туркияга борганлар. Акс ҳолда у Боку орқали яна Тошкентга қайтиб келмаган, орадан маълум вақт ўтгандан кейин эса яна Туркияга йўл олмаган бўларди.

---

<sup>1</sup> Тергов материалларидан.

Тахминимизга кўра, С.Миржалилов ва унинг маслакдош дўстлари Истанбулда Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига ёрдам бериши мумкин бўлган кишилар билан учрашганлар. С.Миржалилов эса Туркияда ишлаб чиқилган режага мувофиқ Тошкентга қайтиб келган. У Тошкентда, бир томондан, Бехбудий сингари истиқлол фидойилари, иккинчи томондан, Бейли сингари инглиз разведкаси вакиллари ёки уларга яқин шахслар билан учрашган. Шундай учрашувлар пайтида Бехбудийнинг сўнги сафарига алоқадор масала ҳам муҳокама этилган бўлиши мумкин.

С.Миржалилов Тошкентга қайтиб келганидан кейин Туркистонга бориб, икки ҳафтага яқин оиласи бағрида яшайди. Сўнг Тошкентга қайтиб, дастлаб Эски Бухорога боради, кейин Когонда бир ҳафта яшаб, яна Красноводск орқали Бокуга жўнайди. Бокуда эса бир ой қолиб кетади. Бунинг сабаби, бизнингча, шундаки, у Бокуда Бехбудий гуруҳи билан учрашиши ва шу гуруҳ билан биргаликда Туркия орқали Антанта давлатлари раҳбарлари билан учрашувга бориши лозим эди.

С.Миржалилов Бехбудийнинг белгиланган муддатда Бокуга етиб келмаганидан қаттиқ хавотирга тушади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у Бухоро ва Самарқанддаги ёр-дўстларига мурожаат этиб, Бехбудийнинг тақдири ҳақида маълумот беришларини сўрайди. Наим афанди (Бехбудийнинг Туркия фуқароси бўлганлиги сабабли тирик қолган яккаю ягона ҳамроҳи) Бокуга етиб келгач, С.Миржалилов даҳшатли фожиа ҳақида хабар топиб, Истанбулга Бехбудийсиз боришга мажбур бўлади.

Ғози Олим Юнусов шу вақтда Нуриддинбек Худоёрхонов билан Истанбулда туркистонлик биродарларини кутаётган эди.

Ғ.О. Юнусов 1937 йил 25 декабрда терговчининг Туркияга нима мақсадда борганлиги ҳақидаги саволига жавоб бериб, бундай деган:

“Мен Нуриддинбек Худоёрхонов билан бирга Туркия ҳукумати ҳамда “Иттифоқ ва тараққий” партияси билан

учрашиш, улардан Туркистонни Шўро Россиясидан ажратиб олишга қаратилган ишимизда ёрдам ва кўрсатмалар олиш учун борганман. Мен хавфсизлик нозири Азизбей орқали Талъат пошога мурожаат этганимда, у мен билан Садносир Миржалиловга Туркистонни Шўро Россиясидан ажратиб олиш масаласини Миллатлар Лигаси олдига қўйиш лозим, деди ва бунинг учун Женевага боришимни маслаҳат берди”.

Ғ.О. Юнусовнинг яна тергов пайтида айтишича, Талъат пошо туркистонликларга ёрдам тариқасида фақат Кўпрулузодани ҳамроҳ сифатида қўшиб беражагини айтган. Аммо туркистонликлар Женевага боришга рози бўлмаганлар.

С.Миржалилов ва Ғ.О. Юнусовнинг тергов материалларида уларнинг Туркияга боришдан кўзлаган мақсадига ойдинлик киритувчи бошқа маълумот йўқ. Ҳар иккала мухториятчи Туркистонни большевиклардан озод этиш билан, бинобарин, Бехбудийнинг сўнгги сафари билан боғлиқ мақсад ва режаларини ошкор этмаганлар.

### **Бехбудийни ким ўлдирган?**

Сўнгги йилларда Бехбудий ўлими сирларини ўрганиш билан фаол қизиққан ва бир неча мақолаларни эълон қилган журналист ва адабиётшунос Ҳалим Саиднинг ёзишича, Бехбудийнинг ғойиб бўлганлиги ҳақидаги илк расмий хабар улар чиқиб кетганларидан бир ой кейин “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1919 йил 23 апрель, иккинчи хабар эса ўша йилнинг 20 ноябрь сонларида берилган. Сўнгги хабарда, жумладан, эътиборга молик бундай маълумотлар бўлган:

“Темурхон афанди (Ҳалим Сайиднинг ёзишича, Биринчи жаҳон уруши арафасида Истанбулга ўқишга борган самарқандлик – Н.К.) берган маълумотга кўра, Бехбудий афанди Самарқанддан чиқиб, Бухоро музофотидан ҳибс қилинғони ҳамон бу хабар Бокуда шойиъ (маълум) бўлғон. Бокуда турғувчи туркистонли Саид Носир исми бир зот бир восита топиб, Бухородан Бехбудий

ҳақинда маълумот сўраб, тахлиси (халос қилиш) учун кўшиш (ҳаракат) қилгон. Лекин бу ҳақда Бухородан ҳеч бир хабар ола олмагон.

Бу мавсуқ (аниқ) хабардан маълум бўлурки, мундин бурунроқ Москвадан келиб, “Иштирокиюн” газетаси идорасинда “Бехбудий афанди Қофқозда экан”, деб хабар берган И.М. афандининг сўзи ҳам, Хорижия комиссарияти воситаси-ла Мусулмон ўлка бюросининг Бехбудий афанди ҳақинда сўрагон саволига Бухоро ҳукуматининг “Маҳмудхўжа Бехбудийни ҳибсдан чиқариб, узатиб эдик”, деб берган жавоби ҳам шубҳали хабарлар қисминдандур”<sup>1</sup>.

Ушбу кўчирмада қайд этилганидек, Ўлка мусулмон бюроси Бехбудийнинг тақдири ҳақида маълумот беришни сўраб, Хорижия комиссарлиги орқали Қушбегига мурожаат этган. Аммо Қушбегидан ўз вақтида жавоб келмаган ва Ўлка мусулмон бюроси РСФСРнинг Бухоро амирлигидаги Мухтор вакилидан шу масалада ёрдам беришни илтимос қилган. Мазкур вакил ўша йилнинг 4 августида Қушбегига Бехбудий ҳақида маълумот беришни сўраб хат ёзган. Мухтор вакил бу хатга жавоб ололмаганлиги сабабли 14 августда Қушбегига қўйидаги хат билан иккинчи мартаба мурожаат этишга мажбур бўлган:

*“РСФСР*

*Россия ва Туркистон Республикалари Мухтор вакили*

*19 й. 14 август*

*№ 3004*

***Мухтарам Қушбеги***

*Усмонбек бий Деванбегига*

---

<sup>1</sup> *Ҳалим Сайид. Мажбурий “ҳаж” тафсилотлари, - Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1995 йил 14 апрель.*



*Дўстлик ҳурмати Сиз, муҳтарам Қушбегидан 4 августда 2754 рақамли хатда сўраганим Бехбудийни ҳибсга олиш сабаблари ҳақида менга тезроқ маълумот етказиш борасида фармойиш беришингизни илтимос қиламан.*

*Сизга сиҳат-саломатлик ва Амир Жаноби Олийларига эзгулик тилайман.*

*Бухоро хонлигидаги Мухтор вакил  
Девон Бошқарувчиси номидан  
(имзо)<sup>1</sup>.*

Қушбеги Фавқулодда вакилнинг мазкур хатига қуйидаги жавобни йўллаган:

*“Бухоро хонлигидаги Мухтор вакилга  
Бухоро Қушбегисининг 17 августдаги 775 рақамли хати  
(нусхаси)*

*Сизнинг 1919 й. 10 июлдаги 2560 рақамли Маҳмуд Хўжа Бехбудий, Мулла Муҳаммад Ўрунбоев ва Мардонқул Шохмуҳаммедовга доир хатингиз муносабати билан мен Қаршибегига уларнинг ҳибсга олиниш сабабларини хабар қилишни топширдим. Зикр қилинган бек менга зикр қилинган шахсларнинг аҳоли ўртасида ғалаён кўтарилган пайтда чегарани кесиб ўтганларини хабар қилди; чегарада турган қўриқчилар уларни ушлаб, бекнинг ҳузурига олиб борганлар. Уларни сўроқ қилиш пайтида шу нарса маълум бўлганки, саёҳатчилар сажда қилиш учун Маккага бормоқчи бўлган эканлар, натижада зикр қилинган бек уларни ушлаб қолган ва шу тўғрида Амир жанобларига хабар қилган. Жаноби олийларининг ижозатлари билан зикр қилинган саёҳатчиларнинг ўз йўлларида давом этишларига рухсат*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, 1-126-фонд, 2004-иш, 4-варақ.

*берилган. Шундан кейин улар, бекнинг хабар қилишига қараганда, қамоқда ушлаб турилганлари учун Қарши беклигидан эркин чиқиб кетганлар.*

*Бухоро Қушбегиси.*

*Тўғри: бўл(им) мудири (имзо)"<sup>1</sup>.*

Мазкур жавоб хати тагида унинг Тошкентда, Туркистон

Хорижия комиссарлиги Иш бошқармаси томонидан 1919 йил 1 сентябрда олинганлиги қайд этилган.

Энди бир сонияга бўлса ҳам, 1918 йил март ойидаги қонли воқеаларга қайтсак.

Шармандали мағлубият туфайли талвасага тушган Ф.Колесов битим тузиш мақсадида амир хузурига чор маъмурларидан Введенский билан Ҳайдар ҳожи Мирбадаловни элчи қилиб юборади. Амир Колесовнинг таклифига жавобан агар у **Файзулла Хўжаев, Фитрат ва Абдувоҳид Бурҳоновни тутиб берсагина** Туркистон ҳукумати билан битим тузишга рози эканлигини айтади.

Кўрамизки, амир ўч олмоқчи ва жазоламоқчи бўлган «Ёш бухороликлар» орасида Бехбудийнинг номи учрамайди. У шу кезларда амир эмас, балки Шўро ҳокимияти ва бу ҳокимиятнинг Туркистондаги раҳбарлари учун ўта хавfli шахс эди.

Шундай қилиб, Қушбеги Бехбудийнинг Қаршибеги қамоқхонаси (зиндони)дан озод этилганини айтиб, Бехбудий ўлимнинг Бухоро амири буйруғи билан қатл этилгани ҳақидаги версияни рад этгандек бўлади.

Шу нарса маълумки, 1920 йилнинг март ойида Бехбудий ўлими тафсилотларини текшириш бўйича етти кишидан иборат комиссия тузилган, Бехбудийнинг таъзия маросимини ўтказиш

ва оиласига ёрдам бериш учун эса 90 минг сўм миқдорида иона йиғилган. (Бу ҳақдаги маълумотлар ва комиссиянинг хулосаси “Меҳнаткашлар товуши” газетасида чоп этиб борилган.)

“Комиссиянинг бу хулоса-мақоласи, - деб ёзади Ҳалим Саййид, - жуда катта аҳамиятга эга. У бизга бир қанча сир-синоатларни очиб беради. Чунки, Бехбудийнинг Туркистондан чиқиб кетиш арафасидаги аҳволи, ҳаракатлари бизга қоронғи эди. Негаки, 1918 йилнинг июнь ойида “Хуррият” газетаси тўхтатилгач, биз матбуотда Бехбудийнинг мақолаларини учратмаймиз. Унинг сукути қандайдир “заҳар тилар муҳит”дан (Чўлпон) хабар берса-да, лекин бу муҳитни фош қиладиган бир тарихий ҳужжат топа олмадик. Хўш, 1918 йилдан 1919 йил март охиригача Самарқандда не ҳоллар содир бўлган? Бу ҳақда комиссиянинг “Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли” сарлавҳали хулосасини ўқисак, масала ойдинлашади”<sup>1</sup>.

Ҳалим Саййид шу сўзлардан кейин юқорида қайд этилган воқеа - Бехбудийнинг 1918 йилда Мусулмон маориф шўъбасига мудир этиб тайинлангани, лекин шовинистларининг камситишлари орқасида истеъфога чиққани ҳақидаги “Хулоса”дан олинган маълумотни баён қилади. Сўнгра ёзади:

“Бехбудий “Хуршид” газетасида ўзининг ўн йил аввал ёзган мақоласида социалистлар ҳокимият тепасига келса, не ҳол юз беришини айтган эди. Кейинчалик Бехбудийнинг бу гаплари ўз номининг истеъмолдан бутунлай олиб ташланишига асос бўлди. Хусусан, М.Ваҳобовнинг “Ўзбек социалистик миллати” (Тошкент, 1960) китобида шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Социалистларнинг программаси, Бехбудий фикрича, ислом қоидаларига зид бўлгани учун мусулмон меҳнаткашлар бу партиядан қочишлари керак эмиш. Уларнинг программаси, дейди

---

<sup>1</sup> Ҳалим Саййид. Мажбурий «³аж» тафсилотлари. - 1-ша манба.

Бехбудий, ҳозир амалга ошиши мумкин бўлмаган хаёлотдан иборатдир. Агар бир фалокат бўлиб, уларнинг программаси амалга ошиб қолса, қиёмат қойим бўлармиш (211-бет)”<sup>1</sup>.

Агар орадан қирқ бир ўтгандан кейин маҳаллий аҳолидан чиққан шўро тарихчиси Бехбудийга шу қадар маломат тошларини отган бўлса, унинг 1919 йилдаги салафлари Бехбудийни Бухоро амири одамларига тутиб бермагани ёки ўзлари ўлдирмаганига қандай ишониш мумкин?!

Атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон ўзининг илмий фаолиятини профессор Фитрат раҳбарлиги остида бошлаган. Иззат Султон, кунларнинг бирида, Бехбудийнинг ўлими тўғрисида баҳс бораётган кезларда бизга бундай сўзларни айтган эди: “Фитрат Бехбудийнинг ўлимида Бухоро амирини эмас, балки Туркистондаги Шўро ҳокимиятини айбдор, деб билар ва дориломон замонлар келганида ана шу ҳақиқатнинг юзага чиқишини истар экан. Унинг айтишича, Бехбудийни ГПУ агентлари Бухоро амирининг жоҳил одамларига тутиб беришган. Шўро давлатининг Бехбудийни амир қўли билан ўлдиришдан кузатган мақсади эса, Фитратнинг айтишича, бир томондан, “Ёш бухороликлар”да амирга нисбатан қаҳр ва нафрат тўлқинини уйғотиш, иккинчи томондан, “Ёш бухороликлар” ёрдамида Бухоро амирига қарши юришни бошлаш, амирликни тугатиш ва уни Шўро ҳокимияти таркибига қўшиб олиш эди”<sup>2</sup>.

Бехбудий фожиали ўлими сабабларининг Фитрат томонидан берилган бу талқини, бизнингча, ҳақиқатга анчагина яқин.

Дарвоқе, хорижий журналларнинг бирида Бехбудий ўлими муносабати билан бундай сўзлар ёзилган:

“Бехбудий ташаббусларидан хабардор бўлиб турган Туркистон миллий ташкилоти ўз умидларини унинг

---

<sup>1</sup> Ёғалим Саййид. Мажбурий «<sup>3</sup>аж» тафсилотлари. - 1-ша манба.

<sup>2</sup> Иззат Султоннинг 70-80-йилларда биз билан бир неча бор тилган су<sup>3</sup>батидан.

ҳаракатларини муваффақиятли чиқуви томон қаратдилар. Иш ва истақлар Бехбудий кутганича бўлиб чиқмади. Ул Қарши шаҳаринда ўз вазибаларини ўринлов ҳаракатида экан, қизил Русиянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин воситаси-ла амир томонидан тутилди. Бехбудий амирнинг Қарши шаҳариндаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 25 март 1919 йилда ваҳшиёна ўлдирилди. Бехбудий “жадидчи” дея айбланиб, амирнинг буйруғи-ла ўлдирилди. Бу эса ниқоб эди. Ҳақиқатда эса Бехбудийни амир воситаси-ла рус большевикларининг совет комиссариати томонидан уюштирилгани аниқланди. Буни собиқ “Туркистон совет жумҳурияти”нинг ҳарбий министри Осипов 1919 йил Бухорога қочган вақтинда “Ёш бухороликлар” жамиятинда берган баёнотида билдирган эди.

Туркистон халқи бул усулда бундан 31 йил аввал ўзининг буюк жамоат ва сиёсат ходимидан айрилди”<sup>1</sup>.

Ушбу янги маълумот ҳам Фитратнинг: “Шўро ҳокимияти Бехбудийни Бухоро амирининг қўли билан ўлдирган”, деган сўзлари тўғри эканини тасдиқлаши мумкин.

**Яна комиссия хулосаларига қайтсак...** “Осипуф воқеасидан сўнгра Самарқандда кўб талон-торожлар бошланди. Ноҳақ ҳибслар кўпайди... Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. “Бу ишларга бир чора топа оларманми?” деб 1919 йил февраль ойинда Тошкандға борди. Лекин бу сафардин ҳеч бир натижа кўлга киргуза олмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишига англамасдан, маслакдош ва фикрдошлари... билан 25 март ойинда, 1919 йил, асрорангиз бир суратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин буларнинг Қарши йўли билан сафарга чиқғонлари, Қарши шаҳридан Бухоро ҳукумати тарафидан ушланиб, ҳибсга олинғонлари шойиъ бўлди. Мундин сўнгра мухталиб (хилма-хил) хабарлар кўб эшитилди...”<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> «Миллий Туркистон» журнали, 1950 йил, 66-сон. – В. 23.

<sup>2</sup> Ҷаранг: *Ғалим Саййид*. Мажбурий <sup>3</sup>аж тафсилотлари. – 1-ша манба.

Демак, Бехбудий 1919 йил 25 мартда яширин равишда Самарқанддан ҳамроҳлари билан сафарга чиқиб, бир ҳафталик йўлдан сўнг 1-2 март кунлари Қарши шаҳрига етиб келган ва қўлга тушган. Комиссия аъзолари томонидан аниқланган бу маълумот Ҳожимурод Худойберди ўғлининг “Бехбудий афанди ва йўлдошлари бошлаб Шаҳрисабзда қўлга тушиб, тахминан икки ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда бир неча кун ётқондан кейин... шаҳид қилинғон”лиги тўғрисидаги хабарини рад этади.

Умуман, “васиятнома”га ишониш мумкинми? Ҳожи Муинга Бехбудийнинг ўлими ҳақидаги маълумотни келтирган “ўртоқ Ҳожимурод” ким бўлган? Гўё унга Бехбудий ўлими тафсилотларини айтган Содикжон-чи?..

Аввало айтиш лозимки, Бехбудийнинг ғойиб бўлганлиги ва мужмал тақдири тўғрисидаги дастлабки хабар “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1919 йил 23 апрель сонидан эълон қилинган. Иккинчи хабар яна шу газетанинг 1919 йил 20 ноябрь сонидан босилган. Шу икки сана ўртасидаги вақтда, юқорида кўрганимиздек, расмий идоралар томонидан Бехбудийни қидирув ишлари олиб борилган. “Васиятнома”да тилга олинган “ўртоқлар” ва “ўғлонлар”нинг шу вақт давомида устозлари тақдири билан қизиққанликлари тўғрисида бирор маълумот йўқ. С.Айний, Фитрат ва Чўлпоннинг Бехбудийга бағишланган шеърларидан шу нарса маълум бўладики, улар устоз вафотидан кейин бир йил ўтгандан кейингина унинг қабрини ахтарганлар.

Худди шу кунларда етти кишидан иборат комиссия тузилган ва бу комиссия Бехбудий вафоти тафсилотларини аниқлаш юзасидан қўлидан келган барча ишларни қилган. Бехбудий вафотининг уч йиллиги муносабати билан “Зарафшон” газетасининг 25 март сонидан Ҳожи Муин, А.Азамат, А.Азимий ва Ниҳоний тахаллусли муаллифнинг Бехбудий

тўғрисидаги мақолалари, “Инқилоб” журналининг 1-сонида эса юқорида тилга олинган “васиятнома” Ҳожи Муин шарҳлари билан бирга эълон қилинган.

**Энди Ҳожимурод Худойберди ўғлига келсак.** Ҳожи Муиннинг ёзишича, “ўртоқ Ҳожимурод” Бухоро инқилоби бошланган кунда, яъни 1920 йил 28-29 августда “Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафлариға бориб, андин бир иш ила Қарши шаҳариға ўтқан ва ўшал ерларда 6-7 ой (демак, 1921 йилнинг март-апрель ойларига қадар – *Н.К.*) хизмат қилиб юрған”. Ҳожи Муин тилга олган даврда Бойсун ва Шаҳрисабзда М.Монстров қўмондонлигидаги рус дивизияси шўроларга қарши бош кўтарган амир қўшинларига қарши жанг олиб бориб, уларни 1920 йил 21 декабрда тор-мор келтирган<sup>1</sup>. Ҳожимурод эса ана шу қўшин таркибида хизмат қилган.

Ҳожи Муиннинг ёзишича, Ҳожимурод Қарши бегида бир неча вақт “маҳрамлик” хизматида бўлган фарғоналик 17 яшар Содиқжондан гўё Бехбудий ва йўлдошларининг Шаҳрисабзда қўлга тушганлиги, амирдан уларни қатл қилиш ҳақида буйруқ келганлиги ва Бехбудийнинг қандайдир Аҳмад орқали унга васиятнома ёзиб берганлигини айтган. “Ўртоқ Ҳожимуроднинг сўзига кўра, - деб ёзади Ҳожи Муин, - мазкур Содиқжон 1920 йилда 21 декабрда (эътибор беринг: амир қўшини тор-мор этилган кунда – *Н.К.*) амир томонидан Шаҳрисабз, Китоб ва Ғузор тарафларида қўзғатилган аксилҳаракатчилик вақтида исёнчилар тарафидан (?!) Шаҳрисабзда ўлдирилғон. Шунинг ила Содиқжон ёзган воқеа ва васиятноманинг асл нусхаси-да ўшал чоғда йўқолиб кетган»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳаранг: Победа Октябрьской власти в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент, 1967. – С. 594.

<sup>2</sup> К°чирма “васиятнома”нинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 3афталиги (1988 йил 16 сентябрь) да адабиётшунос Шерали Турдиев томонидан эълон қилинган матндан олинди.

Агар Содиқжон деган шахс ҳақиқатда яшаган ва Қарши бегида “маҳрамлик” қилган бўлса, у Шаҳрисабзда амир қўшини таркибида “қизил”ларга қарши курашган ва Ҳожимурод хизмат қилган қизил қўшин билан жанг пайтида ҳалок бўлган.

“Васиятнома” илк бор “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1921 йил 29 март сонидида чоп этилган бўлиб, унда: “Ҳожимурод афандининг ўзи ҳам мазкур вақтда 15 нафар одами ила қўлга тушган экан. Лекин буларга эртаси шўро ҳукуматининг аскарлари бориб қутқарғонлар ва исёнчилар ила амир одамларини маҳв ва паришон этганлар”<sup>3</sup>, деган маълумот ҳам бўлган. Аммо нима сабабдандир “Инқилоб” журнали бу сўзларни тушириб қолдирган.

Таниқли адабиётшунос Солиҳ Қосимов 60 - 70-йилларда Бехбудий ва унинг ўлими тафсилотларидан хабардор кишилар билан учрашиб, бизни қизиқтирган шахс ҳақида бундай янги маълумотни топган:

“...Бухоро халқ инқилобининг ғалабасидан кейин, - деб ёзган эди у “Бехбудий ва жадидчилик” деган мақоласида, - яъни Бехбудий пинҳоний қатл этилганидан кейин бир йилдан мўлроқ вақт ўтгач, Қарши шаҳрида қизил гвардиячилар тўдасида қўмондонлик қилган самарқандлик Ҳожимурод Худойбердиев маҳаллий аҳоли ўртасидаги Бехбудийнинг қатл этилишидан хабардор кишиларнинг хотираларини эшитади ва Самарқанд Советини хабардор қилади. Тегишли партия ва давлат ташкилотлари томонидан бу фактлар текширилгач, бутун Туркистон бўйлаб мотам кечалари ўтказилади, вақтли матбуотда рус ва ўзбек тилларида Бехбудийнинг фаолияти ҳақида мақолалар босилади, унинг “Падаркуш” пьесаси саҳналаштирилади”<sup>1</sup>.

---

<sup>3</sup> Ғалим Саййид. Мажбурий «<sup>3</sup>аж» тафсилотлари. - 1-ша манба.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 19 январь.  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi



Бу сўзларга қўшимча тарзида шуни айтиш жоизки, “ўртоқ Ҳожимурод” Бехбудийнинг ўлими ҳақида “Маърифат қурбонлари” пьесасини ёзган ва бу пьеса, Ҳалим Саййиднинг аниқлашига кўра, 1920 йилнинг охири – 1921 йилнинг бошларида саҳнага қўйилган.

Агар Солиҳ Қосимовнинг мазкур сўзларига эътибор қаратсак, ҳеч қандай Содиқжон ҳам, “васиятнома” ҳам бўлмаган. “Маърифат қурбонлари” пьесасидаги Бехбудийнинг ўлим олдидаги монологи эса, бизнингча, Шўро ҳокимияти махфий хизматининг саъй-ҳаракати билан Бехбудийнинг “васиятнома”си сифатида тарқатилган. Агарда бу “васиятнома”нинг бирорта сўзи рост бўлганида у, бизнингча, табаррук хужжат сифатида Бехбудийнинг С.Айний, Фитрат, Чўлпон сингари садоқатли дўстлари ва шогирдларининг асарларида тилга олинган бўларди.

**Бехбудий қаерда дафн этилган?** Ҳожи Муиннинг “васиятнома”га ёзган шарҳларида бундай сўзлар бор:

“Бу васиятномадан 3-4 кун ўтар-ўтмас, бек Бехбудий афанди ва йўлдошларини ҳам Аҳмад (бекнинг маҳрамларидан бири – *Н.К.*) ни ўлдурурға буюрғон ва алар **зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бир чорбоққа** (таъкид бизники – *Н.К.*) юборилғонлар. Шунда аларнинг қотиллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун **шу боғда тўрт қабр қаздирилғон** (таъкид бизники – *Н.К.*). Сўнгра Бехбудий афанди ва йўлдошлари таҳорат олиб, намоз ўқимоқчи бўлғонлар. Лекин шу чоқда раҳмсиз жаллод муовинлари ила етушуб келиб, аларни намоз ўқирға қўймағон ва энг аввал Бехбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Бу ҳолни кўриб, Мардонқули Муҳаммадқули ва Аҳмад афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб турғонлар. Андин кейин жаллод аларни бир-бир бошин кесган. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг наъш (жасад)ларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларга кўмганлар ва

қабрларини (билинмасун, деб) ер ила текиз этганлар»<sup>2</sup>.

1920 йилнинг март ойида тузилган 7 кишилик комиссиядан ташқари, ўша йилнинг 27 сентябрида Самарқанддаги Эски шаҳар маданий-маърифий ташкилотларининг “фавқулудда бирлашган йиғилиши” да яна 5 кишилик комиссия тузилиб, унга Бухоро музофоти ва бошқа жойларда тергов ишларини олиб бориш, қотилларни ахтариб топиш ва қамоққа олиш, марҳумларнинг жасадларини топиб, Самарқандга олиб келиш вазифаси топширилган. Фавқулудда ваколатлар берилган бу 5 кишилик комиссияга Мирза Абдуқаюм Ширинбоев (инқилобий трибунал раиси), Эргаш Орифбоев, Раббимкул Солиҳов (инқилобий трибунал аъзолари), Қўқонбой Абдухолиқов ва Абдумажид Зокирийдан ташқари, яна 2 нафар махфий агент ҳам киритилган. Ўша йилнинг ноябрь ойида эса Самарқанд ёшлари яна бир комиссия тузиб, уни Бухоро Халқ Жумҳурияти ёрдамида Қаршига юборганлар. Аммо бирорта комиссия ўз олдида қўйилган вазифани бажара олмаган. **“Қарши шаҳрининг ҳукумат бошида ўлтирғон одамлар” бу комиссияларга ишлаш имконини бермаганлар** (таъкид бизники – Н.К.).

«Мусофир» тахаллусли муаллиф (С.Айний)нинг яқинда ёш тадқиқотчи Нилуфар Намозова томонидан эълон қилинган “Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ва рафиқларининг олинди ўчлари” номли мақоласида бизни қизиқтирган масалага доир бундай янги маълумот берилган:

«Маҳмудхўжа Бехбудий афандининг қабри бу кунда топилиб, устига ҳайкал ишланиб ётадир.

**Бехбудий ўзининг ўртоқлари билан ҳибсхонада ўлдирилиб, ҳибсхонанинг вогзалга қарағон тарафда ҳаммаси бир қабрга қўмулганлар** (таъкид бизники – Н.К.).

---

<sup>2</sup> Ушбу к<sup>о</sup>чирма «васиятнома»нинг “Миллий уйғониш” (1993) т<sup>о</sup>пламидаги нашридан олинди. – В. 126-127.

Беҳбудий ва рафиқларининг қабрини излаб топиб, устига ҳайкал ишлатишда Қарши вилоят ижроқўми билан вилоят фирқўмининг бошида ўлтирғон Жўра Зокирий ва Назариф ўртоқлар кўб ғайрат қилғонлар”<sup>1</sup>.

Бу хабар “Бухоро ахбори” газетасининг 1923 йил 3 октябрь сониде босилган.

Мазкур сенсацион хабардан кейин ҳам Беҳбудий ва ўртоқларининг қаерга дафн этилгани масаласи ҳамон ечилмай келади.

Чўлпоннинг Беҳбудий хотирасига бағишланган шеърда бундай сатрлар бор:

*Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди  
Қора, жирканч, ўлим кони - ерларга.  
Савол бердим: “Йўқотганим қайда?” -*

*деб*

*Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган  
эрларга<sup>2</sup>.*

(таъкид биизники. – Н.К.)

1920 йилда ёзилган бу шеърда Беҳбудий қабрини ахтариш нечоғлик хавфли эканини Чўлпон аниқ-тайин айтган. Модомики, Беҳбудий қабрини ахтариш Бухоро амирлиги тугатилганидан кейин ҳам хавфли бўлган ва бу хайрли ишга 20 – 30-йилларда ҳам имкон берилмаган экан, демак, уни ва ўртоқларини маҳв этган қотилнинг кимлиги аниқ. **Бу, 1937 йили Қарши шаҳридан ва кўплаб мактаблардан Беҳбудий номини олиб ташлаб, ниҳоят, ўзининг қонли қиёфасини кўрсатган мустабид Шўро ҳокимиятидир.**

**Бехбудий қаерга бормоқчи эди?** “Катта шўро энциклопедия”<sup>1</sup>сида баён қилинган маълумотга қараганда, Туркистон Мухторият ҳукуматининг собиқ раҳбарлари большевизмга қарши курашларида ёрдам беришни сўраб, АҚШ президенти Вильсонга мурожаат этганлар. Ўз навбатида Вильсон «Ўнлар кенгаши»нинг топшириғига биноан, Париж Тинчлик кенгашининг бошланиши (1919 йилнинг январь оyi)да Шўро Россиясида курашаётган барча мухолиф гуруҳларга хат йўллаб, уларнинг раҳбарларини Шаҳзода ороллари (Туркия) да ўтказилажак конференцияга таклиф этган. В.Вильсоннинг Виржиния университети (АҚШ) даги архивида сақланаётган маълумотга қараганда, Америка президентининг мазкур масалага оид сўзи 1919 йил 22 январда тузилган ва радио орқали ўқилган. Мазкур матнга қараганда, Вильсон Россиядаги мухолиф кучларнинг вакиллари билан бирга Россия раҳбарларини ҳам Шаҳзода оролларида бўлажак учрашув-конференцияга таклиф қилган. Аммо Россия бу таклифни рад этган.

Тахминимизга кўра, М.Бехбудий ва С.Миржалилов ҳамроҳлари билан бирга ана шу учрашув-конференцияда иштирок этиш учун 1919 йилнинг март ойида йўлга чиққан эдилар.

Махфий архивлардаги шу даврга тегишли ҳужжатларни яхши ўрганган М.Ваҳобов эса бошқа фикрни олға суради:

“Парижда, - деб ёзган у, - 1-Жаҳон уруши ғолиблари – Антанта давлатлари ўртасида Версаль конференцияси давом қилаётган пайтда “Миллий иттиҳод” ташкилоти топшириғига мувофиқ маҳаллий миллатчилардан бир группаси Парижга юборилди. Бехбудий ва Мардонкул Бухоро орқали Эронга ўтиб, у ердан Парижга бормоқчи бўлиб йўлга чиқди. Уларни Бухоро амири Қарши шаҳрида қамоққа олди ва ўлдирди”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Большая советская энциклопедия, том 32. – Москва, 1955. – С. 101.

<sup>24</sup> Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент, 1960. – Б. 323.

Бу икки хил фикрнинг қайси бири тўғрилигидан қатъий назар, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамроҳлари билан Ўзбекистон большевизм асоратидан халос бўлиши учун нажот излаб, Европа сари йўлга чиққан эди. Шу фактнинг ўзиданоқ Бехбудийнинг кимнинг қўлидан ҳалок бўлгани маълум бўлиб турибди. Демак, Туркистон жадидларининг отаси, оташин маърифатпарвар ва ватанпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий истиқлол йўлида қурбон бўлган.

### Бехбудий абадияти

Одатда улуғ инсонлар ёруғ дунёни тарк этганларида: “Улар хотираси авлодлар қалбида абадий сақланади”, деган сўзларни айтамыз. Бу сўзлар ўз вақтида Бехбудий ва унинг сафдошлари шаънига ҳам айтилган.

Бехбудий вафоти муносабати билан ўнлаб марсиялар, мақолалар ва хотиралар ёзилди. Шулардан бири шоир ва адабиётшунос Вадуд Маҳмуд қаламига мансуб бўлиб, унда қуйидаги юрак сўзлари битилган эди:

“Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихинда ёруғ бир чироғ эди”<sup>1</sup>.

Вадуд Маҳмуднинг бундан 90 йил аввал ёзилган бу самимий сўзлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган, десак хато бўлмас.

Биз Туркистоннинг янги тарихида ёруғ чироқ бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий тўғрисидаги рисоламизга сўнги нуқта қўйишдан аввал адибнинг авлодлари тўғрисида ҳам мухтасар бир маълумот беришни лозим топдик. Аммо бундан аввал чор оҳангасининг 1913 йил 9 ноябрда ёзилган махфий ҳужжатидаги

---

<sup>1</sup> Меҳнаткашлар тоовуши,, 1920 йил 8 июль

бир маълумотни ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этсак. Бу ҳужжатда қайд этилишича, Маҳмудхўжа Бехбудий ўша йилнинг 17 сентябридан бошлаб нашр этилмаётган “Самарқанд” мусулмон газетасининг муҳаррир-ношири бўлиб, 41 ёшда, араб, Фоний маҳаллалик, Самарқанднинг рус қисмида истиқомат қилади, хотини Шарофат (35 ёшда), ўғиллари Масъуд (12 ёш), Мақсуд (6 ёш), Матлуб (2 ёш) ва қизи Сурайё (8 ёш). Шаҳарнинг рус ва мусулмон қисмларида кўчмас мулки – уйлари, Кобуд волостида эса 10 десятин ери бор; ҳозирги вақтда турли ғалла савдоси билан шуғулланади. 1 ноябрдан “Ойна” журналини гашир этмоқда.

Самарқанд шаҳар полицмейстери полковник Шведов имзолаган бу хатдаги айрим рақамлар хато бўлишига қарамай, унда Бехбудий ҳаётининг номаълум саҳифаларига ойдинлик киритувчи маълумот ҳам йўқ эмас. Ҳурматли китобхон мазкур хатдаги маълумотни қиёслаб кўриши учун адибнинг қизи Парвин Бехбудийнинг отаси ва ака-укалари тўғрисидаги сўзларини қуйида келтирамиз:

“У (Бехбудий – *Н.К.*) 24 ёшида уйланган. Унинг тўрт фарзанди – уч ўғил ва бир қизи бор эди. Катта ўғил Масъуд 1897 йилда, қизи Парвин 1903 йилда, ўғли Мақсуд 1909 йилда, ўғли Матлуб эса 1913 йилда туғилган.

Катта ўғил Масъуд Бехбудий янги жадид мактабини – Шакурий мактабини тугатгач, гимназияга ўқишга киради. Гимназиядан сўнг у бадий таржимон бўлиб ишлайди, адабиётшунослик билан шуғулланади”<sup>2</sup>.

Афсуски, Парвин Бехбудий Солиҳ Қосимов билан қилган суҳбати чоғида онаси ва укаларини умуман тилга олмаган. Акаси Масъуднинг кейинги тақдири тўғрисида ҳам бошқа бирор эътиборли маълумотни бермаган. Лекин у шаҳар зиёлилари орасида отасининг дўстлари кўп бўлиб, улар (Саид Ризо Ализода, Қўқонбой Абдухолиқзода, Шакурий ва бошқалар) ярим тунгача суҳбатлашарди, деган сўзларни айтганки, бу маълумот

---

<sup>2</sup> Қаранг. Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Б. 149.

Бехбудийнинг даврадошлари тўғрисидаги тасаввуримизни янада кенгайтиради.

90-йиллардан бошлаб қатор адабиётшунослар Бехбудий ва унинг авлодлари қизиқиб, бир неча мақолаларни эълон қилганлар. Адабиётшунос Зебо Аҳророванинг ёзишича, Масъуд Бехбудий отаси вафотидан кейин Тожикистонга кўчиб бориб, ўша ердаги матбуот органларида таржимон бўлиб ишлаган, кейинчалик педагогика институтида муаллимлик қилиб, тожик адабиёти бўйича дарс берган. Урушдан кейинги йилларда яна таржимонлик фаолияти билан машғул бўлган. Адибнинг қизи Парвин (Сурайё) ҳам Шакурий мактабида таҳсил олгач, рус муаллимлари қўлида рус ва француз тилларини ўрганиб, Самарқанд тумани Қозикўрғон қишлоғидаги мактабда француз тили ўқитувчиси бўлиб хизмат қилган. Вафоти – 1985 йил. Мақсуд Бехбудий усули жадид мактабини тугатгач, Бокудаги икки йиллик педагогик курсларда таълим олган ва Самарқанддаги мактабларнинг бирида муаллимлик қилган. 1931 йили 21 ёшида касаллиги туфайли вафот этган. Адибнинг кенжа фарзанди Матлуб усули жадид мактабидан сўнг педагогик курсларни тугатиб, Жомбой туманидаги мактабда муаллим бўлиб ишлаган. 1942 йили Иккинчи жаҳон уруши майдонларида ҳалок бўлган. Шу фарзандлардан бири – Матлубхондан қолган Шавкатхон, Мидҳатхон, Надимхон ва Назирхон деган неваралар Самарқанд ва Душанбедаги олий ўқув юртларида оталарининг зиёкорлик ишларини давом эттирганлар. Ҳозирги кунда бу биз учун азиз неваралар ҳам ёруғ дунёни тарк этиб, оталари билан бирга арши аълода яшамоқдалар.

Маҳмудхўжа Бехбудий бу фарзанд ва невараларидан ташқари, туркистонлик юзлаб маърифатпарвар кишиларнинг майдонга келишида устозлик қилганки, миллий уйғониш даврининг бу улуғ намояндаси улар учун ҳам ота бўлиб қолади.

## МУНДАРИЖА

Дебоча .....	
М.Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тарихига бир назар ...	
Беҳбудий қачон туғилган? .....	
Ота-бобоси ва ёшлик йиллари .....	
Муфтилик фаолияти .....	
Ҳаж сафари .....	
Маърифатпарварлик фаолияти .....	
“Беҳбудия” кутубхонаси .....	
Исмоил Гаспринский ва Беҳбудий .....	
Истанбул шаҳридаги учрашув .....	
Биринчи ўзбек драмасининг яратилиши .....	
Жадид адабиётининг муҳим соҳаси .....	
Ижтимоий силсилалар гирдобиди .....	
Сирли ўлим .....	
Беҳбудий қаерга бормоқчи бўлган? .....	
Беҳбудийни ким ўлдирган? .....	
Беҳбудий абадияти .....	